SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

ХДП O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2017-yil, 5-avgust. Shanba • 94-95 (32.310) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, қадрли устозлар!

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун мана шу муҳташам саройда сиз, азизлар билан — миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намояндалари, атоқли шоир ва адибларимиз, театр, кино, мусиқа санъати соҳасининг таниқли ҳамда ёш вакиллари билан, санъатшунос олимлар, журналистлар билан учрашиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали ўзининг ёрқин истеъдоди, билим ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан жамиятимизнинг маънавий тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча ижодкор зиёлиларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, самимий тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва ранглардаараннум этишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган сиз, муҳтарам ижод аҳлининг меҳнати нақадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни узоқ йиллардан буён яқиндан танийман, асарларингизни ўқиганман, сизлар яратган куй-қўшиқларни, картиналар, фильм ва спектаклларни доимо катта қизиқиш билан тинглаб, томоша қилиб келаман.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъатнинг чинакам мухлиси бўлиш насиб этганидан бахтиёрман.

Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаганимда ҳам, Тошкентдаги фаолиятим давомида ҳам сиз, муҳтарам ижодкорлар билан катта-катта тадбирлар, байрам ва маросимларда кўп-кўп учрашганимиз, суҳбатлашганимизни, керак бўлганида, ижодий баҳслар ҳам қилганимизни, биргаликда амалга оширган ишларимизни мен доимо миннатдорлик билан эслайман.

Демоқчиманки, биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши биламиз, машҳур бир қўшиқда айтилганидек, «ўртада бегона йўқ».

Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизни, агар сизлар рози бўлсаларингиз, мана шундай самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтказсак, маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнларини холисона ва танқидий баҳолаб, бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида атрофлича фикрлашиб, бамаслаҳат бир қарорга келсак, айни муддао бўларди.

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида муҳим пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вақтда, бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида, **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**ни ишлаб чиқдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Мана шу Стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада олиб борилаётган амалий ҳаракатлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиҳа — Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлаб юбордик.

Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро миқёсда динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилаётганидан ҳам хабардорсиз, албатта.

Бундан ташқари, яқинда «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдик. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.

Биз ана шундай марказлар фаолиятини самарали ташкил этишда сиз, азизлар ўз истеъдодингиз, билим ва тажрибангиз билан яқиндан ёрдам берасиз, деб ишонамиз.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилаётгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жиззах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, рассом ва қўшиқчилар, журналистларнинг истеъдодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол. 2010 йилдан буён Ёзувчилар уюшмасининг «Ижод» фонди томонидан «Биринчи китобим» сериясида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда, жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, барча ходимларни юртимиз ҳаётида илк бор нишонланаётган қутлуғ сана — Темирйўлчилар куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон темир йўллари соҳаси ҳам оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, халқаро транспорт тармоқларига чиқишни таъминлайдиган, мустақил, ягона ва яхлит темир йўл транспорти коммуникациялари тизими барпо этилгани, ҳеч шубҳасиз, шу йўналишда эришган энг катта тарихий ютуғимиз бўлди.

Сизларга яхши маълум, ҳозирги вақтда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми темир йўл соҳасига тўғри келади ва бу тармоқнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Халқаро транспорт тизимларининг ажралмас қисми ва муҳим бўғини бўлган Ўзбекистон темир йўлларининг халқаро ташувлар тизимидаги роли янги босқичга кўтарилмоқда.

Қадим замонлардан буён Буюк ипак йўли ва кўплаб савдо йўллари туташган минтақада жойлашган Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан ўта муҳим ўрни бу заминда турли цивилизация ва маданиятлараро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари мунтазам амалга оширилиши учун қулай имконият яратгани шубҳасиз, албатта.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътироф этишича, Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни, Жануб билан Шимолни боғлайдиган улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ана шу салоҳият ва имкониятдан самарали фойдаланаётган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг кўп миллатли жамоаси темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва реконструкция қилиш, темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йиллар давомида темирйўлчиларимиз томонидан 1100 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилгани, 4 минг километрлик темир йўл магистраллари модернизация қилингани, 1700 километрлик темир йўл боғламалари электрлаштирилгани таҳсинга сазовордир.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз иқтисодиёти учун ғоят муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва Амударё узра қурилган кўприкни ҳам қамраб олган Навоий — Учқудуқ — Нукус — Султон Увайстоғ, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ва Ангрен — Поп темир йўлларининг бунёд этилиши билан Ўзбекистоннинг ягона ва мустақил темир йўл тармоғини шакллантириш ишлари якунига етказилганини таъкидлаш зарур.

Мураккаб тоғ ва иқлим шароитида бунёд этилган, денгиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тоғ чўққилари орқали ўтган ва замонавий инфратузилма объектлари билан таъминланган, умумий узунлиги 346 километр бўлган Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон ҳамда Ангрен — Поп темир йўллари Марказий Осиё минтақасида ноёб иншоотлар ҳисобланади.

Айниқса, Ангрен — Поп электрлаштирилган янги темир йўли лойиҳасини амалга оширишда Ўзбекистон темирйўлчилари билан бирга хитойлик мутахассислар ҳам катта ҳисса қўшганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

2016 йилда ишга туширилган ушбу темир йўл тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имконини яратиш билан бирга, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл тизимининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа хомашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, минг-минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини бераётгани барчамизни хурсанд қилади.

Ана шу ишларнинг изчил давоми сифатида Мароқанд — Қарши темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди, Қарши — Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни замонавий, юқори самарали локомотив ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташийдиган тепловоз сотиб олингани, 120 та локомотив модернизация қилингани бу борадаги ишлар кўлами тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

«Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида ҳаракатланадиган таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуюв корхонасини реконструкция қилишга қаратилган лойиҳани амалга ошириш жараёнида 26,5 минг тонна металл қуйиш қувватига эга бўлган корхона ташкил этилди, янги юк вагонлари, кўп тонналик контейнерлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва юк вагонларини капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари якунига етказилди.

Испаниянинг жаҳонга машҳур «Тальго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» электропоездлари қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Ҳозирги кунда ушбу поездлар пойтахтимиз Тошкент шаҳридан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга қатнамоқда, йўловчиларимиз вақтини икки бараваргача қисқартирмоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда 16 та янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 9 та вокзал реконструкция қилинди ҳамда йўловчиларга халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Мустақиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва инфратузилмаларни ободонлаштириш мақсадида 7,5 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 2,4 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, йўл, энергия таъминоти, телекоммуникациялар, локомотивлар, вагон ва контейнерлардан фойдаланиш, йўловчи ташиш хўжаликлари, шунингдек, тармоқ лойиҳачилари, қурувчилари ҳамда саноат корхоналари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришга, унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшаётганини миннатдорлик билан қайд этмоқчиман.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан буён юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилиб, 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан амалга оширилган ишлар салмоғи нақадар катта эканидан далолат беради.

Ўз таркибида 73 минг нафар юқори малакали инженер-техник ходим ва мутахассислар, йўлсозлар, машинистларни, саноат, лойиҳа ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган меҳнат жамоаси, ҳеч шубҳасиз, тармоқнинг бунёдкор кучи, бебаҳо бойлигидир.

Айнан ана шундай ўз касбига садоқатли ва фидойи юртдошларимизнинг сидқидилдан қилаётган самарали меҳнати, билим ва тажрибаси туфайли темир йўл тармоғи халқимиз ўртасида ҳақли равишда обрў-эътибор, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда.

Ҳурматли темир йўл транспорти ходимлари!

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ



**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ жорий йилдан бошлаб август ойининг биринчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан пойтахтимизда тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоасига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

► Давоми 5-бетда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

• ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУКАММАЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

• БЎЛҒУСИ ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН АДОЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИДАН БОШЛАНАДИ

www.uzbekistonovozi.uz

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан давом эттирамиз — мен бу ҳақда кейинроқ батафсил гапираман. Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Лекин табиий бир савол туғилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?

Албатта, биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш — сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

Лекин, қўлимизни кўксимизга қўйиб холисона айтайлик: ижодкор зиёлиларимизнинг бугунги фаолияти жамиятимизни, энг аввало, эл-юрт тақдири учун доимо куюниб, ёниб яшайдиган, бедор қалб эгалари бўлган сизларнинг ўзингизни қониқтирадими?

Ўйлайманки, ҳозирги кунда маданият ва санъат аҳлида фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётганини ўзларингиз ҳам ҳис қилиб турибсиз.

Юртимиздаги бугунги ижодий муҳитни кузатсак, у қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот қолдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми?

Азал-азалдан халқ ижод аҳлига жуда катта ҳурмат ва ишонч билан қараши сизларга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга «властители дум», яъни «жамият тафаккурининг эгалари» деган юксак баҳо бериб келиниши албатта бежиз эмас. Чунки сизларга Яратганнинг ўзи шундай ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бундай хусусият, бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Адабиёт ва санъатнинг нақадар қудратли кучга эга экани ҳақида сиздек зукко инсонлар ҳузурида сўз юритишга, очиғини айтсам, мен бироз тортинаман. Лекин мана шундай буюк, илоҳий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланаяпмизми? Ёки улуғ адибимиз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфлаяпмизми?

Албатта, санъаткорларимиз ўртасида халқимиз олдидаги маънавий ва ижтимоий бурчини, фарзандлик қарзини чуқур англаб, ўзини аямасдан меҳнат қилаётган, жамиятимизнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган инсонлар оз эмас.

Замон билан ҳамнафас ижод қилиб, бошқаларга ўрнак ва намуна кўрсатаётган фидойи, фаол зиёлиларимизнинг аксарият қисмини бугунги даврамизда кўриш шахсан менга катта хурсандчилик бағишлайди. Уларнинг ижодий изланиш ва ютуқлари, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига бағишланган сермазмун асарлари ҳақида узоқ гапириш мумкин ва бунинг учун биз улардан миннатдормиз. Лекин бундай асарлар асосан шоир ёки адиб, рассом ёки режиссёр, бастакорнинг шахсий ташаббуси билан яратилаётгани сир эмас. Уларнинг дунёга келишида ижодий жараёнларни мувофиқлаштириб, санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ҳақиқий таянч ва суянч бўлиши зарур бўлган ижодий уюшмаларимиз ва давлат идораларининг ўрни ва таъсири етарлича сезилмаяпти. Ижодий ташкилотларимиз шиддат билан ўзгараётган замонга ҳамқадам бўлиб яшаш, ўз фаолиятини самарали ташкил этишда давр талабларидан орқада қолмоқда.

Аслида улар нафақат бугунги кун, балки келажакни кўзлаб иш тутиши, шу асосда пухта ўйланган, мустаҳкам режаларни тузиши керак эмасми? Дейлик, 15-20 йилдан кейин Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши қандай кечади, бугун биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин, деган тўғри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод аҳлини ўйлантириши зарур эмасми?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижодий уюшмаларнинг бугунги фаолиятида тадбирбозлик, шунчаки хўжакўрсинга ишлаш, сусткашлик ва лоқайдлик кайфиятлари тобора яққол кўзга ташланмоқда. Ижодий ташкилотлар раҳбарларининг аксарияти фақат юқоридан буйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолгани, уларнинг фаолиятида умумий мақсад учун жон куйдириш, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаётгани албатта ачинарли ҳол.

Мен бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида ижодий ташкилотларимизнинг Низомлари билан танишиб чиқдим. Қаранг, бугун биз қўяётган саволлар, долзарб вазифаларни амалга ошириш аслида бу тузилмаларнинг Низомларида аниқ белгилаб қўйилган экан. Демак, ижодий ташкилотларимиз ўз фаолиятининг пойдеворини ташкил этадиган асосий ҳужжат — Низом талабларига амал қилмаяпти, десак, тўғри бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Бадиий академияси, Бастакорлар уюшмаси каби ташкилотларда ана шу талабларга эътибор қилмаслик, хусусан, съезд ва сайловларни ўз вақтида ўтказмаслик ҳолатлари ҳам шундан далолат беради.

Бастакорлар уюшмасининг қурултойи 1995 йилдан сўнг — орадан анча вақт ўтиб, ниҳоят 2014 йилда, шунда ҳам юқори ташкилотларнинг талаби билан ўтказилганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, бугунги кунда барча давлат ва нодавлат ташкилотлар учун халқ билан доимий мулоқот қилиш, халқ олдида ҳисобот бериш энг асосий талаб сифатида қўйилмоқда.

Ёки биз бир пайтлар катта умид билан ташкил этган Бадиий академия фаолиятини оладиган бўлсак, бу ерда 2003 йилдан буён сайлов ўтказилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳозирги вақтда академияда 10 та ҳақиқий аъзолик ўрни бўшаб қолгани ҳолда, нега янги сайлов ўтказилмаётганини тушуниш қийин.

Бу албатта мазкур уюшмаларда масъулият туйғуси, ишчанлик ва ижодий муҳит йўқолиб бораётганининг натижасидир.

Айни пайтда, адабий-бадиий жараёнларда кўзга ташланаётган салбий тенденциялар, хусусан, маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқаётгани, ғоявий-бадиий жиҳатдан саёз асарларнинг бозори чаққон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Афсуски, ижодий уюшмалар томонидан бундай ҳолатларга принципиал баҳо берилмаяпти, уларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифлар ўртага қўйилмаяпти.

Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи? Бу борада Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» агентлиги, Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекконцерт» ва бошқа ижодий ташкилотлар қошидаги бадиий кенгашларнинг фаолияти деярли сезилмаяпти.

Яратилаётган асарлар, фильм ва спектакллар, кўргазма ва концерт дастурларига принципиал ва малакали баҳо бериш, матбуотда холис ва ҳаққоний рецензиялар, хулосалар билдириш тобора камёб ҳодисага айланиб бормоқда.

Яна бир ташвишли ҳолат — ижодий уюшмалар ўртасида ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмаган. Бадиий академия, Бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар, Кино арбоблари уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ижодий муносабатлари деярли тўхтаб қолган, уларнинг ҳар бири ўз ёғига ўзи қоврилиб ётибди. Ваҳоланки, ушбу тузилмалар фаолиятида биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб ижодий ва ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича мавжуд ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш каби бир-биридан муҳим ва долзарб масалалар ижодий уюшмалар эътиборидан четда қолиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда зиёлилар даврасида енгил-елпи китоблар, саёз, олди-қочди газета-журналлар, телерадио станциялар кўпайиб бораётгани тўғрисида ҳақли эътирозларни эшитиш мумкин.

Ҳозирги пайтда юртимизда турли мулк шаклига эга бўлган 1513 та оммавий ахборот воситаси, шунингдек, 122 та нашриёт фаолият олиб бормоқда. Аммо уларнинг барчаси ҳам бизнинг миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиляптими, деган савол кўндаланг турибди. Хусусий нашриётларнинг кўпчилиги бир вақтлар вилоятларда ҳам нашриётлар бўлсин, деган нотўғри ёндашув билан ташкил этилгани, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ниҳоятда ночор экани китоб деган мўътабар тушунчанинг қадрини туширишга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу муаммони қонуний асосда қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида амалий таклифлар деярли учрамайди.

Бошқаларга қандай, билмадим-у, аммо менинг назаримда, бундай салбий ҳолатнинг бош сабаби мамлакатимиз ахборот бозорининг тартибга солинмагани билан боғлиқ. Бу борада сон эмас, сифат ва самара муҳим. Майли, нашриётлар сони 122 та бўлмасин, озроқ бўлсин, лекин талабга жавоб берадиган бўлсин.

Биз бугун китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадиий, сиёсий адабиётларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз. Аммо бу ишларни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширишимиз, бошлаган олижаноб ҳаракатимизни обрўсизлантиришга йўл қўймаслигимиз шарт.

Афсуски, матбуот ва ахборот соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда ваколатли ва масъул орган вазифасини бажариши керак бўлган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бу борада фақат кузатувчи бўлиб ўтирибди. Шунинг учун яқинда Матбуот ва ахборот агентлигига янги раҳбар тайинланди.

Шу билан бирга, ушбу ташкилот фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича Президент қарори тайёрланмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммангиз гувоҳсиз, бугунги кунда Ўзбекистон улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланмоқда. Замонавий корхона ва иншоотлар, автомобиль ва нефть заводлари, тўқимачилик комбинатлари, эркин иқтисодий зоналар барпо этиляпти. Янги-янги конлар ишга туширилмоқда, минтақа ва ҳудудларимизда автомобиль ва темир йўллари, сув омборлари, муҳташам кўприклар, аҳоли учун арзон уй-жойлар, кўплаб илм-фан, тиббиёт, маданият ва спорт марказлари қурилмоқда, минглаб гектар майдонларда катта-катта боғроғлар яратилмоқда.

Энг муҳими, мураккаб ва оғир, чуқур билим ва тажрибани талаб қиладиган шароитларда, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, мана шундай катта лойиҳаларни ким амалга ошиpяпти, ким бу ишларни қиляпти? Ўзимизнинг одамлар, ўзимизнинг йигит-қизларимиз. Ана шу қора кўзларнинг меҳнати ва жасорати, Ватанга фидойилиги ҳар қандай эътироф ва таҳсинга лойиқ эмасми?

Бундай бунёдкорлик ишлари, мен ўйлайманки, ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлиб, янги асарлар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай қурувчи ва муҳандислар, дала заҳматкашлари ҳақида, жонкуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадиий солномасини сизлар яратмасангиз, ким яратади? Агар биз истеъдод ва маҳоратимизни шу муқаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этмасак, ҳазрат Навоий айтмоқчи, бу ҳунарни асраб нима қиламиз, қаерга опкетамиз уни?

Неча йиллардан бери масала қўямиз — замонавий қаҳрамон образини яратайлик, деб. Лекин бирорта жиддий натижага эриша олдикми?

Албатта, бу борада қандайдир интилиш ва ҳаракатлар кўзга ташланаётганини, бадиий ва публицистик асарлар, пьеса ва кинолентaлар пайдо бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Аммо уларнинг кўпчилиги юракдан чиқмаган, зўрма-зўраки уринишлар бўлиб, ҳали маданий ҳаётимизда воқеа бўладиган етук ва мукаммал асарлар яратилгани йўқ, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Очиғини айтганда, баъзи ижодкорларга бу масала бироз ғалати туюлиши, улар буюртма билан яхши асар, тўлақонли образ яратиб бўлмайди, деган фикрни билдириши ҳам мумкин. Лекин мен ўйлайманки, санъаткор — агар у ҳақиқий истеъдод эгаси бўлса — ижтимоий буюртма асосида ҳам етук асар яратишга қодир бўлади. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов ва бошқа атоқли шоирларимиз ижодидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Абу Райҳон Беруний», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр» каби машҳур фильмларимиз ҳам ўз вақтида давлат буюртмаси билан яратилгани сизларга яхши маълум.

Ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳордек талабчан адиб ҳам бир пайтлар Мирзачўлга бориб, икки-уч ой чайлада яшаб, буюртма билан «Шоҳи сўзана» деган гўзал асар ёзганини, у дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳнага қўйилиб, шуҳрат қозонганини ҳаммамиз биламиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Энг истеъдодли ва масъулиятли ёзувчиларимиз, кино, театр, мусиқа ва тасвирий санъат арбобларига ижтимоий буюртма бериш масаласини тизимли асосда йўлга қўйсак, уларни юртимизнинг турли ҳудудларига ижодий сафарларга юбориб, янги асарлар яратишга рағбатлантирсак, нима дейсизлар?

Масалан, таниқли шоирларимиз Анвар Обиджон Фарғона водийсида, Маҳмуд Тоир Тошкент вилоятида, Сирожиддин Саййид Сурхон воҳасида бўлаётган бугунги улкан ўзгаришлар ҳақида янги асарлар ёзиб берса, қандай яхши бўларди.

Ёки ҳурматли шоирамиз Ҳалима Худойбердиева бугунги ёш ўзбек қизлари ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари ҳақида бир асар — майли, бу достон бўладими, драма ёки сценарий бўладими — ёзиб берсалар, айни муддао бўларди. Мана шундай асарларни биз Ойдин Ҳожиева, Энахон Сиддиқова, Шарифа Салимова, Хосият Бобомуродова, Фарида Бўтаева, Гулайша Есемуратова, Зулфия Мўминова, Зулфия Қуролбой қизи ва бошқа фаол ижодкор аёлларимиздан ҳам кутиб қоламиз.

Мана шу даврада ўтирган, жойларда бизни эшитаётган барча ижодкор дўстларимизнинг ҳам ижодий режалари бўлса, биз ижодий уюшмаларимиз орқали бундай таклифларни кўриб чиқишга тайёрмиз. Агар Абдулла Қаҳҳор чайлада яшаб асар ёзган бўлса, биз сизлар учун барча шароитларни яратиб, керак бўлса, гонорарини олдиндан, 5-10 ҳисса қилиб тўлаб беришга ҳам тайёрмиз.

Шу ўринда мени кўпдан буён ўйлантириб келаётган яна бир масала бўйича сизлар билан фикрлашмоқчиман.

Барчамиз, айниқса, бу ерда йиғилган ижодкор зиёлиларимиз, бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз. Мисол учун, биронта жангда енгилмаган буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, астрономия соҳасида беқиёс кашфиётлар қилган Мирзо Улуғбекни оламизми — жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бундай улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапиришимиз мумкин.

Лекин холисона айтганда, кейинги пайтда ана шундай улуғ зотлар, улар қаторида Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мўъин Насафий каби азиз-авлиёларимиз, Алишер Навоий, Бобур каби шоир ва мутафаккирларимиз хотирасини кино экранларида акс эттириш учун бирон-бир арзийдиган иш қилдикми? Тан олиш керакки, йўқ.

Бу мавзуларда бундан қирқ-эллик йил олдин устоз кино ижодкорларимиз томонидан баъзи бир асарлар яратилган бўлиб, улар ҳозирга қадар экранлардан тушмай келмоқда. Мустабид тузумнинг оғир шароитида шундай кинофильмлар яратганлари учун улардан албатта миннатдормиз. Лекин бу асарлар ўз даврининг мафкураси билан суғорилгани, уларнинг айримларида тарихий ҳақиқат бузилганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Албатта, яқин ўтмишимизда ҳам таниқли режиссёрларимиз томонидан бу борада баъзи бир ҳаракатлар бўлганини эътироф этиш лозим. Масалан, атоқли адибларимиз Ойбек ҳамда Пиримқул Қодировнинг романлари асосида таниқли телережиссёр Мақсуд Юнусов «Алишер Навоий» ва «Бобур» видеофильмларини яратганини, уларда машҳур актёрларимиз маҳорат кўрсатганини яхши биламиз. Аммо бу фильмларни суратга олишда моддий-молиявий ва техник имкониятлар ниҳоятда чекланганини яққол сезилиб туради. Кейинчалик «Ўзбекфильм» студияси «Буюк Амир Темур» бадиий фильмини яратди. Лекин минг афсуски, бу асар кутилган натижани бермади, уни «Мана бизнинг Соҳибқирон бобомиз!» деб фахрланиб, кўз-кўз қилиб кўрсатишнинг имкони бўлмади.

Ижодкорларимиз тарихий мавзуга қўл урар эканлар, кўламни кенгроқ олишга, марранни баланд қўйишга алоҳида эътибор қаратишларини истардик. Чет элларда Спартак, Ганнибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховен, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳақида тарихий ва бадиий жиҳатдан мукаммал қандай етук асарлар яратилган!

Ҳолбуки, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдки, лекин асло кам эмас. Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак. Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё аҳлининг диққат-эътиборини қозонишимиз мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат буюртмаси асосида буюк тарихий аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш учун махсус ижодий гуруҳлар ташкил этиш, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол учун, ҳурматли адибимиз Муҳаммад Али кўп йиллардан буён Амир Темур бобомиз ҳақида қанча-қанча китоблар, романлар яратди. Мана шу асарлар асосида кино режиссёрларимиз, айтайлик, муҳтарам Шуҳрат Аббосов ёки Зулфиқор Мусоқов юксак халқаро мезонларга жавоб берадиган фильмни нима учун яратиши мумкин эмас?

Ёки, масалан, атоқли режиссёримиз Баҳодир Йўлдошев ҳам неча йиллардан буён Мирзо Улуғбек ҳақида мукаммал бир асар яратиш орзуси билан юрганини мен яхши биламан. Таниқли олим, Астрономия институтининг директори Шуҳрат Эгамбердиев ҳам Мирзо Улуғбекнинг ўлмас меросини бутун дунёда тарғиб қилиб юрибди. Уларнинг мана шундай саъй-ҳаракатларини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиб берсак, мен ўйлайманки, жаҳон кино экранларига чиқа оладиган гўзал бир бадиий фильм вужудга келган бўларди.

Мана, бугун даврамизда Рихсивой Муҳаммаджонов, Ҳилол Насимов, Ёлқин Тўйчиев каби истеъдодли сценарист ва режиссёрларимиз ўтирибди. Айни вақтда, Баҳодир Одилов, Абдухалил Менгноров, Аюб Шахобиддинов, Мансур Абдухолиқов сингари таниқли режиссёрларимиз ҳам фаол ижод қиляпти.

Мен сезиб турибман, бу гапларни эшитиб, кўпчилик ижодкорларда «Эй, жаноб Президент, сиз айтаётган таклифларни амалга ошириш учун жуда катта маблағ керак, энг замонавий кино аппаратлар, тарихий либослар керак, қанча чет мамлакатларда съёмка ишларини олиб бориш керак, минг-минглаб одамларни бу жараёнларга жалб этиш керак», деган фикр туғилиши табиий.

Бизнинг нафақат тарихимиз, балки бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу вазифани амалга ошириш учун биз катта миқдордаги маблағларни, керак бўлса, эркин муомаладаги валюта маблағларини ҳам топиб беришга, киночиларимизни чет давлатларга ижодий сафарларга юборишга ҳам тайёрмиз. Худога шукур, бугунги иқтисодий аҳволимиз бунга имкон беради.

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

► Давоми 3-4 бетларда.

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

Азиз дўстлар, менинг бу сўзларимни буйруқ ёки топшириқ деб эмас, илтимос деб, ижодга даъват деб қабул қилишингизни истардим. Агарки, бирон кишига «давлат буюртмаси» деган сўз бошқача туюладиган ёки малол келадиган бўлса, марҳамат, буни ҳозирги мода бўлган тилда «давлат гранти» деб атайлик.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир.

Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, **бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир** ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир.

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган **«Ўз болангни ўзинг асра!»** деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чуқур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланиши учун ижодий ташкилотларимиз ҳам ўз масъулиятини жиддий равишда қайта кўриб чиқишлари давр талабига айланмоқда.

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар «оммавий маданият» таҳдиди фақат четдан — Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Энг ёмони, бадиий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда.

Биз «жаҳолат» деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас.

Айни вақтда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди.

Шу нуқтаи назардан, кино соҳаси фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга, жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга фақат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан қўймайди. Энг ёмони, номдор санъаткорлар, ҳатто «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга сазовор бўлган актёрлар ҳам мана шундай киноларда турли бачкана ролларни ижро этмоқда. Аввал дурустгина фильмлар яратган режиссёрлар ҳам, сал ўтмасдан, хом-хатала асарлар билан томошабинларнинг ихлосини қайтармоқда.

Яқинда «Тошкент ҳақиқати» газетасида шу мавзудаги бир мақолани ўқидим. Мақола муаллифи айрим киноларимизнинг хорижий фильмлардан айнан кўчириб олингани, яъни адабий ўғрилик — плагиатликка йўл қўйилаётгани ҳақидаги фикрларни баён этиб, аниқ мисолларни келтиради. Афсуски, бу миллий киноларимизга нисбатан билдирилаётган ягона танқидий фикр эмас. Бундай мақолаларни матбуотда кўплаб учратиш, бундай фикрларни жуда кўп одамлардан эшитиш мумкин.

Ўзингиз айтинг, ижодкорнинг шаъни, ғурури, санъатга садоқат деган тушунчалар қаёқда қолди?

Ваҳоланки, ҳозирги вақтда биз кино соҳасига давлат бюджетидан ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ ажратяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида «Ўзбеккино» миллий агентлигига бюджетдан 12 миллиард 400 миллион сўм ажратилади.

Ёки бўлмаса, республикамиздаги мавжуд 37 та театр фаолиятини таъминлаш учун ҳам ҳар йили катта миқдорда маблағлар йўналтирилади. Бу йилнинг ўзида ушбу мақсадда давлат бюджетидан 81 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Албатта, давлатимиз, жамиятимиз санъат ривожи учун ҳеч нарсани аямайди. Лекин бу борада кутилган натижага эришилаяптими? Бу саволга бугун ижобий жавоб бериш қийин эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз.

Аксарият театрларимизнинг репертуарлари ғоявий-бадиий жиҳатдан ночор, улардан ўрин олган спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга солаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаяпти.

Афсуски, театрларимиз кўпроқ маиший мавзулардаги енгил-елпи, бачкана асарлар, одамга на маънавий озиқ, на эстетик завқ берадиган томошаларни намойиш этишга ўрганиб қолган.

Ҳурматли театр арбобларимиз ўзларининг матбуот ва телевидениедаги чиқишларида кўпинча маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг **«Театр — ибратхонадир»** деган ҳикматли сўзларини келтиришни яхши кўрадилар. Лекин мана шу доно сўзларни фақат оғизда айтмасдан, ўз фаолиятимизда уларга амал қилсак, айни муддао бўларди, деб ўйлайман.

Мен гоҳ-гоҳида маданият соҳасига масъул бўлган раҳбарларимиздан «Қачон энди бир яхши спектакль ёки кинофильм яратиб, бизни таклиф қиласизлар», деб сўраб тураман. Афсуски, шунда улар хижолат тортиб, «Шавкат Миромонович, ҳали сизга кўрсатадиган муносиб асарлар яратолганимиз йўқ, бизга яна озгина фурсат беринг», дейишади. Майли, мен тушунаман, бу ижодий жараён, лекин ҳар қандай муддатнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку. Ўзингиз айтинг, халқимизга манзур бўладиган фильм ва спектакллар қачон яратилади?

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда маданият тизимини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган қисқа даврда бу борада иккита муҳим ҳужжат — «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон, «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдик. Лекин шундай бўлса-да, бугунги кунда тизим фаолиятини қониқарли баҳолай олмаймиз. Маданият вазирлиги мутасаддиларида сусткашлик, ўзибўларчилик, хотиржамликка берилиш кайфияти давом этмоқда.

Вазирлик раҳбариятида барча маданият ва санъат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга илмий-услубий ёрдам бериш, бир сўз билан айтганда, маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш салоҳияти етишмаяпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтда маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмас. Бунинг асосий сабаби, институтларни битириб жойларга ишга бораётган кадрларга зарур шароит яратиб берилмаган.

Бугунги кунда вазирлик тизимида 41 та музей ва уларнинг 76 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Ана шу музейларда, ёрдамчи фондлар билан бирга, 1 миллион 736 мингдан зиёд экспонат мавжуд. Бу — жуда катта бойлик. Лекин бу бойликни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда ўрганиш, ташвиқот қилиш, келажак авлодларга етказиш масаласида, афсуски, қатор муаммолар бор. Масалан, «Музейлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган миллий музей фондининг давлат каталогини яратиш ҳақидаги талаб 8 йилдан буён бажарилмаяпти.

Яна бир муҳим масала — энг оммавий санъат бўлган эстрада санъатини ривожлантириш вазирлик эътиборидан четда қолмоқда.

Энг асосий камчилик — бу соҳада ижод қилаётган аксарият ижрочилар фаолиятида талабчанлик ва масъулият, ижтимоий жараёнларга дахлдорлик туйғуси тобора пасайиб бормоқда.

Мен ўз тажрибамдан яхши биламан, катта байрамларимизни — бу Мустақиллик, Наврўз ёки Конституция байрами бўладими — уларни ўтказишда бизни энг қийнайдиган, хунобимизни чиқарадиган нарса — бу эстрада дастури эканини ҳаммангиз яхши биласиз. Минг афсуски, мана шу ҳолат ҳали ҳам барҳам топгани йўқ.

Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари ҳеч кимга сир эмас. Кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий ғоялар билан яшаш, санъат дунёсига, мухлисларга ҳурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат.

Шундай санъаткорлар ҳам борки, унвон олгунича тинимсиз елиб-югуради, ҳол-жонингизга қўймайди. Унвон олдими, тамом, сувга тушган тошдек жим бўлиб кетади. Улардан унвонга яраша, халқнинг эътиборига яраша ижод қани, деб сўраш ўринлими ёки йўқми? Ижодкорнинг талаби билан бирга бурчи ҳам бўлиши керак эмасми?

Шу муносабат билан мусиқа санъати соҳасида фахрий унвонлар, аввалмбор, «Ўзбекистон халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» каби мукофотлар билан тақдирлаш масаласини, бу борада қабул қилинган норматив-меъёрий ҳужжатларни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Кўпчилигимиз яхши биламиз, илгари «Халқ артисти» деган унвон олиш учун санъаткор неча ўн йиллар самарали ижод қилиши талаб этиларди. Масалан, машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганидан кейин — шунга эътибор беринг — орадан 25 йил ўтиб, «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланган эди. Яқин ўтмишдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, унвон беришда санъаткорнинг фақат тўртта қўшиғи эмас, унинг ижтимоий фаоллиги, муносиб шогирдлар тарбиялагани, эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори, энг муҳими, санъатга садоқати устувор мезон сифатида белгиланиши шарт. Бошқача айтганда, биз бу юксак унвонларнинг нуфузи ва обрўсини сақлашимиз лозим.

Бизнинг халқимиз — санъатсевар халқ, ўзи севган, ёқтирган ижрочиларни нафақат телевизор ёки саҳнада, балки ўзининг яхши кунларида, тўй-ҳашамларида ҳам кўргиси келади. Буни ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Минг афсуски, бугунги эстрада хонандаларининг аксарияти ҳали Янгийўлга, ҳали Шовотга, ҳали Янгиқўрғонга, ҳали Чироқчига тўйга қатнаш билан овора. Бошқа бирон масала билан иши йўқ.

Албатта, санъаткорда ҳам оила, бола-чақа бор, уларнинг ҳам ҳаётий эҳтиёжлари бор. Буниям тўғри тушунамиз. Лекин ижодни пулга, мол-дунёга алмаштирган одамдан санъат шафқатсиз ўч олади. Охир-оқибатда ҳар қандай ёрқин истеъдод ҳам сўниб, эл-юрт назаридан қолади.

Шу ўринда, яна бир масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Гап санъаткор одоби, уларнинг юриш-туриши, кийиниш маданияти, муомаласи билан бошқаларга, энг аввало, ёшларимизга ўрнак бўлиши зарурлиги ҳақида бормоқда.

Хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг бир пайтлар куйлаган дилбар қўшиқларини томошабинлар ҳозир ҳам соғиниб эслайдилар. Бу санъаткор телеэкранда ҳам, саҳнада ҳам иболи, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек қизининг қиёфасини, чинакам образини яратиб, қанча-қанча қизларимизга ибрат бўлган эди.

Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очиқ-сочиқ кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши.

Албатта, бундай муаммолар санъатни муқаддас деб биладиган устоз ижодкорларимизни ҳам қийнаётгани табиий. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбекконцерт» қошида «Ўзбекистон халқ артистлари» клубини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу клуб аъзолари мунтазам йиғилишиб, юртимиз ва жаҳон санъат оламида юз бераётган ижодий жараёнларни муҳокама қилиб борса, юқорида тилга олинган камчилик ва муаммоларни ечиш, ёш истеъдодлар тарбияси, маданиятимизни равнақ топтириш бўйича янги ғоя, ташаббус ва таклифлар билдириб борса, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмасди. Клубнинг энг фаол аъзолари бўлган Халқ артистларини йил якуни бўйича эътироф этиб, рағбатлантириб боришни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Сизларга маълумки, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, фақат Ўзбекистонда эстрада ижодкорлари аҳолига маданий хизмат кўрсатишдан топадиган даромадлари бўйича солиқ тўлаш мажбуриятидан озод қилинган. Айтайлик, хонандаларимиз ўзининг гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш учун бир йилда бир марта белгиланган тартибда маълум миқдордаги маблағни тўлаб, лицензия олади. Бўлди. Бошқа солиқ йўқ. Аксарият қўшиқчилар мана шу лицензияга тўлайдиган пулини битта тўйда топиши ҳам сир эмас.

Шунинг учун баъзан молия ва солиқ идоралари томонидан эстрада хонандаларини, бошқа давлатлардаги каби, даромад солиғига тортиш бўйича таклифлар билдирилади. Лекин биз азбаройи санъатимиз, маданиятимиз ривожини, халқимизнинг маънавий савиясини юксалтиришни ўйлаб, бу таклифларга розилик бермай келаяпмиз.

Ҳаммангиз тушунасиз, саломга яраша алик ҳам бўлиши керак. Халқимиз санъаткорлардан яратилган ана шундай имконият ва имтиёзларга яраша жавоб кутишга ҳақли, албатта.

Шу муносабат билан бугун бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб ҳисоблайман.

**Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.**

Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин. Мана, бу борада қанча-қанча имконият ва имтиёзлар яратиб бераяпмиз — шу соҳага ўтиб ишласин. Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган муқаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутишга ҳаққи йўқ.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, яна бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, нозик бир масала хусусида сизлар билан маслаҳатлашиб олишни зарур деб биламан.

Жойларда бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп-кўп одамлар менга айтаяпти, Виртуал қабулхонага ёзяпти, «Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар», деб мурожаат қиляпти. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.

Мана, ўзинглар кўряпсизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар элликка кирмасдан туриб тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиламан, деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очиғини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бугун ҳаётимизда кўпайиб бораётган оилавий можаролар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу нарсага бориб тақалади.

Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади.

Мана, Тошкентдаги тўйларда «келиннавкар» деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганяпти буни?

Яқинда ўтган «Камолот» қурултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирорта йигит ёки қиз чиқиб, «Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиз, турмушга чиқамиз деб ота-оналаримизни ниҳоятда қийнаб қўйдик. Келинглар энди, уларни бундай оғир ташвишга қўймайлик, келажагимизни, миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказайлик», деган гапларни айтармикан, деб кутдим. Афсуски, улардан бу масалада ҳеч қандай фикр эшитмадим.

Тўй-маърака — бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала эканини инобатга олган ҳолда, Бош вазир А.Арипов, Бош вазир ўринбосари Т.Норбоевага тегишли ташкилотлар билан биргаликда оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилади.

Қадрли юртдошлар!

Албатта, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларида юзага келган жиддий муаммо ва камчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Буларни барчамиз яхши тушуниб турибмиз.

Бугун биз «ижодкорларимиз ишламаяпти», деб сизлардан, сизлар эса «давлат ёрдам бермаяпти», деб бизлардан гина қилиб ўтиришимизнинг мавриди эмас. Келинглар, бугун ўз олдимизга «Ким айбдор?» деб эмас, «Ким нима қилиши керак?» деган савол қўяйлик.

Мен биламан, юксак маданиятли, камтарин инсонлар сифатида сизлар иш шароитингиз ёки моддий аҳволингиз ҳақида шикоят қилмайсиз. Бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда сизларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқдик ва уларнинг ечимлари бўйича бир қанча қарор лойиҳаларини тайёрладик.

Рухсатингиз билан, ана шу ҳужжатларнинг қисқача мазмуни билан сизларни таништириб ўтсам.

**Биринчидан.** Маънавий ҳаётимизни янги, юксак босқичга кўтариш, аввалмбор, Бастакорлар, Рассомлар, Театр арбоблари ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини рўёбга чиқариш, муносиб иш ва турмуш шароитини яратиб беришга хизмат қиладиган **«Илҳом» жамоат фонди**ни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланганини маълум қилмоқчиман.

Ушбу фондни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан 20 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади ҳамда у 2022 йилга қадар барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинади.

**Иккинчидан.** Сизларга маълумки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкил топганига 70 йил тўлганига қарамасдан, ҳозиргача ўз биносига эга бўлмасдан, ижара биноларда фаолият кўрсатиб келаётган эди. Шуни ҳисобга олиб, Адиблар хиёбони ҳудудида Уюшма учун алоҳида бино қуриляпти. Насиб қилса, мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами арафасида уни ёзувчиларимиз ихтиёрига топширамиз. Ушбу янги бинода «Ижод» жамоат фонди, шунингдек «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик» журналлари ҳам жойлашади.

Шунингдек, бу ҳудудда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида 2 та кўп қаватли уй барпо этиш, шу тариқа ушбу ҳудудни том маънода адиблар масканига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Яқин келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш ҳудудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари — коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бу коттежлар ижодий иш учун маълум муддатга ижарага берилади. Уларга йўлланма билан борадиган адиб ва санъаткорларимиз ҳам ижод қилади, ҳам ёшларга маҳорат сирларидан сабоқ беради, деб умид қиламиз.

Маълумки, бир вақтлар Ўзбекистон Миллий университети қошида **Олий адабиёт курси** ташкил этилган эди. Ҳозирги вақтда унинг фаолияти нима учундир тўхтаб қолган. Сабабини суриштирсак, ушбу курс битирувчиларига тегишли давлат гувоҳномасини бериш масаласида муаммо бўлган экан. Мен ўйлайманки, бу курс ёш истеъдод эгаларини тарбиялаб вояга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бу масалани ўрганиб, тегишли таклиф киритишини сўрайман.

◄ Давоми. Бошланиши 1-2-бетларда.

► Давоми 4-бетда.

• 2017-yil, 5-avgust. Shanba • 94-95 (32.310)-son

www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси

Иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий камолоти учун барча шароитларни яратиб бериш устувор вазифаларимиздан бири бўлиши керак. Шу маънода, сизлар билан яна бир таклифни ўртоқлашмоқчиман.

Эсингизда бўлса, илгари яхши бир анъана бор эди. Яъни маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича истеъдодли ёшларнинг республика миқёсидаги семинарлари ўтказиларди. Ана шу эзгу анъанани тиклаб, адабиёт, театр ва кино, мусиқа ва тасвирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари учун **Ўзбекистон ёш ижодкорларининг семинарини** ташкил этсак, нима дейсизлар?

Бу ижодий анжуман ёшларимизни маҳорат сирларига ошно қилиш билан бирга, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳам қарор топтиришга хизмат қилган бўларди.

**Учинчидан.** Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган молиявий механизм, орадан 20 йилдан ошиқ муддат ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз аниқ белгиланмаган. Уюшмани алоҳида бино билан таъминлаш масаласи ҳам неча йиллардан бери ечилмай келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу қарорда Уюшманинг молиявий манбаларини аниқлаш, вилоят бўлимларининг моддий-техник базасини кучайтириш, Уюшма ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш каби масалалар ҳам ўз амалий ифодасини топади. Ёзувчилар уюшмаси йил охирига қадар янги бинога кўчиб ўтиши муносабати билан унинг Ислом Каримов кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган идораси Журналистлар ижодий уюшмасига берилишини сизларга маълум қилмоқчиман.

**Тўртинчидан.** Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам Президент қарори тайёрланмоқда. Унга кўра, Бадиий академия аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитларига тенглаштирилмоқда. Қарор лойиҳасида яна бир муҳим масала, яъни рассом ва ҳайкалтарошлар томонидан яратилган асарларни давлат музейларига сотиб олиш учун Маданият вазирлигига ҳар йили 2 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратиш белгиланган.

**Бешинчидан.** Бугун биз Бастакорлар уюшмасининг фаолиятини танқид қилдик. Лекин кўп йиллар давомида бу Уюшмани ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз, унинг аҳволидан хабар олмаганимиз — буям ҳақиқат. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бастакорлар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, композитор ва бастакорларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзда тутадиган Президент қарори лойиҳаси тайёрланди.

**Олтинчидан.** «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳам Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, «Ўзбекфильм», «Қорақалпоқфильм» ва Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш кўзда тутилмоқда.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадиий фильмлар сонини 2018 йилда 20 та, 2020 йилда 30 тага, мультипликацион фильмлар сонини эса 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Агентлик ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилиши белгиланган.

**Еттинчидан.** 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бугунги фаолияти, жумладан, қабул квоталари, ўқув дастурлари ва қўлланмалари, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий салоҳияти, моддий-техник базаси, ётоқхоналарнинг аҳволи талабга жавоб бермай қолгани бу ерда ўтирган аксарият ижодкорларимизга яхши аён. Бугунги кунда бу ерда 700 нафар ўрнига 1352 нафар талаба таҳсил олаётгани ҳам албатта таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарорга кўра, бу ерда ўқув бинолари етишмай қолганини инобатга олиб, унинг Мирзо Улуғбек туманидаги Мустақиллик проспектида жойлашган аввалги биносини қайтариб бериш кўзда тутилмоқда. Бу бинода фаолият кўрсатаётган В.Успенский номидаги академик мусиқа лицейи ўқувчилари ўзларининг олдинги биносида ўқишни давом эттиришлари учун имконият етарли.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг энг яхши санъат коллежлари негизида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижодий таянч марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Айни вақтда, консерватория фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун унинг ҳузурида махсус фонд тузилади. Бундан ташқари, собиқ Свердлов концерт залини ҳам капитал таъмирлаб, консерватория ихтиёрига берамиз. Консерватория ёнида унга янги ётоқхона барпо этилади. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги мавжуд замонавий санаторийлардан бири консерватория ва умуман, шу йўналишдаги таълим муассасалари жамоаларига ажратилади.

Мусиқа санъати соҳасидаги ушбу етакчи олий ўқув даргоҳининг нуфузи ва мақомини янада ошириш мақсадида Маданият вазири айни вақтда консерватория ректори вазифасини бажариши ҳам қарорда белгиланган.

**Саккизинчидан.** Сизларга маълумки, бутун дунёда маданият вазирликлари шу мамлакатнинг юзи ҳисобланиб, энг гўзал, энг салобатли биноларда фаолият олиб боради. Афсуски, бизнинг вазирлигимиз ҳозирги вақтда ноқулай бир шароитда, асосан расмий идоралар жойлашган бинода иш олиб бормоқда. Бу эса маданий жамоатчилигимиз, ижод аҳлининг вазирликка бемалол, эркин кириб-чиқишига, бу ерда турли ижодий тадбирлар ўтказишга тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасидаги 1-уйини — илгари Ташқи савдо вазирлиги жойлашган кўркам, тарихий бинони Маданият вазирлигига ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

**Тўққизинчидан.** Бугунги кунда адабиёт ва санъат, умуман маданият соҳаларида мавжуд муаммо ва камчиликларнинг туб илдизларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, уларнинг аксарияти малакали кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ экани аён бўлади.

Юқорида маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмаслигини айтиб ўтдик. Айни вақтда, республика театрларида 45 фоиз ижодий ходимлар тегишли олий маълумотга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритаётгани, туманларда жойлашган болалар мусиқа ва санъат мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг 72 фоизи ўрта махсус маълумотга эга экани ҳам барчамизда жиддий ташвиш уйғотади.

Яқинда Қўқон шаҳар мусиқали драма театрига борганимизда ҳам худди шундай аҳволга дуч келдик. У ерда ишлаётган жами 53 нафар ижодий ходимнинг атиги 11 нафари олий маълумотга эга, холос. Қолган 42 нафарини ўрта махсус ва ўрта маълумотга эга ходимлар ташкил этади. Албатта, бу муассасаларда ишлаётган ёш йигит ва қизлар астойдил интилиб ҳаракат қилаётган бўлса-да, барибир уларнинг фаолиятида зарур билим ва малака етишмаётгани сезилиб турибди.

Шунинг учун ҳам аввало, маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Мана, юртимизда қанча болалар мусиқа ва санъат мактаблари бор, айни вақтда миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг атоқли намояндалари номида янги ижодий марказлар ташкил қиляпмиз. Хўш, уларда кимлар меҳнат қиляпти? Ёшларимизга ижод сирларини кимлар қай даражада ўргатяпти? Таниқли санъаткорларимиз, ёзувчи ва шоирларимизнинг бу мактаблар билан алоқаси қандай?

Хабарингиз бор, яқинда юртимизда атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллик юбилейи катта тантана билан нишонланди. Ушбу тадбирларда бу ерда ўтирган кўпчилик ижодкорларимиз иштирок этди. Қўшни республикалардан — Қозоғистондан, Тожикистондан меҳмонлар келди. Машҳур ҳофиз Жўрабек Муродовнинг самимий сўзларини ҳаммамиз ҳаяжон билан эшитдик.

Қаранг, Комилжон Отаниёзовнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё бўйича қанча-қанча шогирдлари бор экан. Шу гапларни эшитганда, шахсан мен, буюк ҳофизимизнинг қўшиғидан ҳам шогирди кўп экан, деб ўйлаб қолдим.

Қани, айтинг-чи, бугун қайси Халқ артистимиз ўзининг шундай муносиб шогирдлари борлиги, шогирдпарварлиги билан мақтана олади? Шу саволлардан келиб чиқиб, сизларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Республикадаги ҳар бир мусиқа ва санъат мактабига, ижодий марказларга таниқли адабиёт, санъат ва маданият намояндаларини бадиий раҳбар ёки директор сифатида тайинласак, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб берсак, нима дейсизлар?

Мана, даврамизда Ғуломжон Ёқубов, Фаррух Зокиров, Ортиқ Отажонов, Юлдуз Усмонова, Маҳмуд Намозов, Зулайҳо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Ғафур ва Ғулом Эшжоновлар, Гулсанам Мамазоитова каби Халқ артистлари ўтирибди. Сизларнинг ҳар бирингиз биттадан санъат коллежи ёки мусиқа мактабига бориб раҳбарлик қилсангиз, мен ўйлайманки, бундан санъатимиз фақат ютган бўлар эди. Айни вақтда юзлаб шогирдлар етиштириб, ўзингизга ҳайкал қўйган бўлардингиз.

Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовни ёш дикторлар мактабига раҳбар қилиб қўйсак, иқтидорли ёшларимиз у кишидан жуда кўп билим ва тажрибаларни ўрганган бўлар эди.

Машҳур созандамиз Абдуҳошим Исмоиловнинг мақом ансамблига раҳбарлик қилиши албатта яхши. Лекин у кишининг ижодий салоҳиятидан ёшлар ҳам баҳраманд бўлса, нур устига нур бўларди. Мен мақом йўналишида янги коллеж ёки мусиқа мактаби очишни, унга Абдуҳошим Исмоиловни раҳбар қилиб тайинлашни таклиф қиламан.

Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак.

Сизларга маълум, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус шаҳридаги филиали муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Шу ижобий тажрибани давом эттирган ҳолда, Қўқон шаҳрида ҳам мазкур институтнинг филиалини ташкил этяпмиз. Бу ўқув юрти Фарғона водийси вилоятлари учун юқори малакали маданият ходимларини тайёрлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Қўқон шаҳрида санъат аҳли учун янги кўп қаватли турар-жой биноси ҳам қуриб фойдаланишга топширилади.

Юқорида зикр этилган барча масалаларни комплекс ҳал этиш бўйича Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Юнусхўжаев, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, халқ таълими вазири У.Иноятов, маданият вазири М.Муратов, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Б.Зокиров бир ой муддатда тегишли таклифлар киритишлари зарур.

**Ўнинчидан.** Бугун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу қиламан.

Аждодларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг вужудга келишида аввало, ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамият касб этгани яхши маълум.

Шундан келиб чиққан ҳолда, яна бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг «дўстлари клублари»ни ташкил этсак, уларга йирик корхона, банк ва компанияларни ҳомий сифатида бириктириб қўйсак, шартнома асосида уларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйсак, нима дейсизлар?

Масалан, Миллий банк раҳбари Сухроб Холмуродов биз Ўзбекистон давлат консерваториясини оталиққа оламиз, «Консерваториянинг дўстлари клуби»ни тузиб, унга раҳбарлик қиламиз, деган ташаббус билан чиқяпти.

Олмалиқ кон-металлургия компанияси раҳбари, сенатор Александр Фармонов эса «Биз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг дўстлари клубига раҳбарлик қилсак», деган таклифни билдиряпти. Халқ банки «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг дўстлари клуби»га раҳбарлик қилмоқчи.

Яқинда фаолияти тўхтаб қолган Театр арбоблари уюшмасини қайта тиклаш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. Бу уюшма фаолиятига «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг ҳомийлик қилиш ҳақидаги ташаббусини биз албатта қўллаб-қувватлаймиз. «Ўзозиқовқатсаноатхолдинг» холдинг компанияси Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига ҳомийлик қилмоқчи.

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти Ўзбек Миллий академик драма театри билан ёнма-ён жойлашган. Компания раҳбарияти «Қўшнимга ёрдам кўрсатаман, Миллий театрнинг дўстлари клубига раҳбарлик қиламан», деяпти. Раҳмат уларга.

Шулар қаторида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрига — «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбек давлат драма театрига — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига — «Ўзсаноатқурилишбанк», Республика ёш томошабинлар театрига — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Республика қўғирчоқ театрига — «Ўзэлтехсаноат» компанияси ҳомийлик қилиш истагини билдирмоқда.

Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрини эса — «Капиталбанк», Ўзбекистон академик рус драма театрини — «Ўзагросуғурта» компанияси, Ўзбекистон ёшлар театрини — «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти, Республика сатира театрини — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, «Томоша» болалар театр-студиясини — «Алоқабанк», «Дийдор» театр-студиясини — «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки оталиққа олмоқчи.

Худди шу асосда Бастакорлар уюшмасига — «Асака банк», Рассомлар уюшмасига — «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига — «Ипотека банк», Миллий рассомлик ва дизайн институтига — «Ўздонмаҳсулот» компанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлигига — «Ўзавтосаноат» компанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига — Республика товар-хомашё биржаси ҳомий бўлиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи музейларни, аввало, Адабиёт музейини молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини ташкил этиш бўйича Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев амалий таклифлар билдирмоқда.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимликлари ўз ҳудудларидаги театрларга ҳомийлик қилиб, уларнинг фаолиятини кучайтириш учун 1 миллиард сўмдан маблағ ажратиш ниятида экани барчамизни хурсанд қилмоқда.

«Ўтган кунлар» фильмида Юсуфбек ҳожи айтганидек, қаранг, бизнинг шундай маърифатпарвар раҳбарларимиз бор экан-у, биз бехабар юрган эканмиз. Келинглар, барчамизнинг номимиздан уларга раҳмат айтиб, ишларига муваффақият тилайлик.

Мен ишонаман, бу раҳбарларимиз ижодий уюшмаларга нафақат моддий, балки энг аввало, маънавий ёрдам берадилар. Яъни, оила аъзолари, меҳнат жамоалари билан биргаликда театрларга, кино ва кўргазма залларига, концертларга бориб, бошқаларга намуна кўрсатсалар, нур устига нур бўларди.

Яна бир муҳим масала — ижодий соҳалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларини бугунги талаблар асосида янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган қўшимча имтиёз ва преференциялар муддатини яна 5 йилга узайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Энг муҳими, бадиий ижодкорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига тўланаётган қалам ҳақи — гонорар миқдорини сезиларли даражада оширишга доир қарор лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда ва у яқин кунларда қабул қилинади.

Таъкидлаш жоизки, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Шу мақсадда Интеллектуал мулк агентлигининг фаолиятини танқидий кўз билан қайтадан кўриб чиқиш зарур.

Ижод аҳлини қийнаб келаётган муаммолардан бири — бу уй-жой масаласи билан боғлиқ. Мана шу долзарб муаммони ечиш учун Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида «Ижодкорлар уйлари» барпо этилиб, бу уйлардан адиблар, рассомлар, актёр ва режиссёрлар, композиторлар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситаларининг фаол вакилларига, шу жумладан, истеъдодли ёш ижодкорларга квартиралар ажратилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда пенсия ёшидаги ижодкорлар энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан кўп миқдорда қалам ҳақи олган тақдирда, уларнинг пенсиясидан 50 фоиз маблағни ушлаб қоладиган тартиб мавжуд. Бир вақтлар узоқни кўзламаган баъзи мансабдорлар томонидан жорий этилган бу тартиб айни ижодий камолотга етган ижодкорларимизнинг рағбатини сўндиришга хизмат қилаётгани сир эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси О.Муродов, Бош вазир ўринбосари Ж.Кўчқоров, молия вазири Б.Хўжаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиевга бир ой муддатда ушбу масала бўйича тегишли таклиф тайёрлаш вазифаси топширилади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз жамиятимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Айни пайтда шу мақсадни ўзида ифода этган «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарор лойиҳаси тайёрланаётганини сизларга маълум қилмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, матбаа корхоналари учун зарур қоғоз ва бўёқ маҳсулотлари четдан валюта эвазига олиб келинаётгани китоб, газета ва журналлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, биз республикамизда замонавий қоғоз саноатини йўлга қўйиш бўйича фаол иш олиб боряпмиз. Бу борада яқинда Хитой давлатига бўлган сафаримиз чоғида «Син папер индастри» компанияси ва бошқа ташкилотлар билан келишувга эришилди.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов), Ташқи савдо вазирлиги (Ш.Тўлаганов), Инвестиция давлат қўмитаси (А.Аҳмадходжаев) бу лойиҳани белгиланган муддатларда бажариш чораларини кўриши керак.

Мана, азиз дўстлар, кўриб турганингиздек, адабиёт ва санъат, маданият соҳасини замон талаблари асосида тараққий топтириш мақсадида қанча қарорлар, қанча лойиҳалар ишлаб чиқиляпти. Бугунги учрашувда сизлар билдирадиган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар асосида, биз бу ҳужжатларни янада такомиллаштириб, шундан кейин албатта қабул қиламиз.

Маданий ҳаётимиз равнақи йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишларни амалга ошириш, рўёбга чиқаришда сиз, муҳтарам ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этиб, ўз муносиб ҳиссангизни қўшасизлар, деб ишонаман.

Азиз ватандошлар!

Миллионлаб одамларнинг эътиборида бўлган, маданият, адабиёт ва санъат деган муқаддас даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ижодкор, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўз халқининг қалбига қулоқ солиб, унинг дардига дармон бўлишга интилади. Сизларнинг барчангизни мен ўз ижодий фаолияти билан мана шундай ҳаётий эътиқодга умрбод амал қилиб келаётган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мен шу ўринда аввал билдирган бир фикримни яна такрор айтмоқчиман. **Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бебаҳо бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.**

Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, оилавий фаровонлик, фарзандлар камолини кўриш бахти насиб этишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

◄ Давоми. Бошланиши 1-2-3-бетларда.

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 август куни 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йил якуни бўйича кутилаётган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташрифлари чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар ва инвесторлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб боришини таъминлаш, юқори қўшимча қийматли, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги замонавий корхоналарни ишга тушириш – мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аввало, аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташкил этилгани иқтисодиётимизга инвестиция жалб этиш масаласи нечоғли муҳим стратегик вазифалардан бири эканини яққол намоён этди. Йиғилишда ушбу Агентлик фаолиятини оқилона ташкил қилиш, аввало, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга, барча жараёнларнинг очиқ бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

2017 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жорий йилда 552 лойиҳа доирасида 7,2 миллиард АҚШ долларини ўзлаштириш ва 67 йирик лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Жумладан, 2017 йилнинг ўзида умумий қиймати 2,4 миллиард долларга тенг 170 лойиҳа, жумладан, 16 йирик лойиҳа ижроси якунига етказилади.

Фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш натижасида ўтган 7 ойда 32 лойиҳа ижроси якунланди, йил охиригача яна 138 лойиҳани амалга ошириб, объектларни ишга тушириш юзасидан барча зарурий чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат миқёсида ва жойларда айрим раҳбарлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш ва уларни кафолатланган молиявий манбалар билан таъминлашга юзаки, масъулиятсизлик билан ёндашаётганига эътибор қаратди.

Ўтган 7 ой мобайнида 27 лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш режадан ортда қолаётгани, 8 лойиҳа бўйича ҳужжатлар ҳалигача тасдиқланмагани каби танқидий мисоллар келтирилди.

Шу муносабат билан тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари зиммасига мавжуд муаммоларни тезлик билан ҳал қилиш, сусткашлик ҳолатларини бартараф этиш чораларини кўриш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда юзага келаётган асосий камчиликларга тегишли ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилмагани, кўплаб раҳбарлар тегишли тармоқлар ва соҳалар келажаги тўғрисида муайян тасаввурга эга эмаслиги, яъни ўзи бошқараётган соҳанинг бир неча йилдан кейинги ривожланиш истиқболи ҳақида аниқ ҳисоб-китоб юритмаётгани сабаб бўлаётганини қайд этди.

Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий ҳокимликлар раҳбарларига инвестиция лойиҳалари ижроси устидан ҳафталик назоратни янада кучайтириш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва камчиликка йўл қўйган масъул шахслар фаолиятини баҳолаш юзасидан кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ҳар ой якунида ҳисобот бериб бориш вазифаси топширилди.

Яна бир муаммо шундан иборатки, инвестиция лойиҳалари бўйича объектлар ишга тушгани ҳақида тегишли ҳужжат қабул қилингандан сўнг янги қувватлар қай даражада ишлаётганини таҳлил қилиш тизими мавжуд эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари Иқтисодиёт вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишга туширилган янги объектлар фаолиятини мониторинг қилиш тартибини ишлаб чиқиш вазифасини юклади.

Йиғилишда Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлигига йирик хўжалик бирлашмалари ва ҳудудий ҳокимликлар билан бирга 2018 йилги Инвестиция дастурини шакллантиришда фақат лойиҳалаштириш ҳужжатлари тайёр бўлган ва қиймати камида 5 миллион долларга тенг лойиҳаларни киритиш, сармоядорларнинг дастурга лойиҳа киритишини рағбатлантириш учун уларга солиқ имтиёзлари ва бошқа преференциялар бериш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда келаси йил учун Инвестиция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбариятига хорижий ҳамкорлар билан тенг шериклик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ишлаш учун аниқ йўналишларни белгилаш, шунингдек, импорт шартномаларини тизимли равишда ва ўз вақтида кўриб чиқиб, хулоса бериш юзасидан алоҳида тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун тузилган қатор ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ҳамда 12 апрель куни Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига ташрифлари натижасига биноан расмийлаштирилган баённомалар ва қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқлар ижросининг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида мазкур баён ва дастурларни амалга оширишнинг жорий ҳолатини босқичма-босқич кўриб чиқиб, ижрочилар ҳисоботини тинглаш ва баҳолаш бўйича янги назорат тизими жорий этилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларига Андижон вилояти ва Чилонзор туманини, умуман, барча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тизимли равишда ўрганиб, бирорта ҳам муаммоли масала қолдирмаслик юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва таклифлари тингланиб, муҳокама қилинди ҳамда инвестиция лойиҳалари ижросини жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқни замон талаблари асосида ривожлантириш, минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, республикамизда темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизимини яратиш, халқаро стандарт ва талабларга мос янги темир йўлларни барпо этиш, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

## «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Исмаилов Халмурат** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри

## «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Шайманов Абсахат Бозорович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

## «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдуллаев Нусратилло Саъдуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси бош директори

**Рабимов Тошкуват Шодиярович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Самарқанд темир йўл масофаси кўприк устаси, Самарқанд вилояти

**Хасилов Хуснутдин Нуриддинович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бош менежери – бош муҳандиси

**Цой Виктор Робертович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «406 — ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж поезди» унитар корхонаси бошлиғи

## «Дўстлик» ордени билан

**Сагдуллаева Элмира Шавкатовна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти етакчи муҳандис-технологи, Тошкент шаҳри

**Холмаматов Али Султонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қарши электр таъминоти корхонаси электромеханиги, Қашқадарё вилояти

## «Шуҳрат» медали билан

**Ганиев Полат Бегдуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рустамов Рустам Бекназарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси участка бошлиғи, Бухоро вилояти

**Эгамов Маруф Мирзахмедович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўқон вагон депоси вагон йиғув цехи бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 4 август*

# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, йирик компания ва хўжалик бирлашмалари, банклар, ижодий уюшмалар, етакчи оммавий ахборот воситалари, маданият муассасалари, театр ва музейлар раҳбарлари, адабиёт, санъат ва маданият соҳасининг атоқли намояндалари, журналистлар иштирок этди. Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Маданият вазирлиги, ижодий уюшмаларнинг ҳудудий бўлимлари, жойлардаги маданият муассасалари, теле-радиоканаллар, газеталар раҳбарлари, ижодкор зиёлилар қатнашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари ривожига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, кейинги пайтда бу соҳа равнақини янги босқичга кўтариш бўйича улкан ишлар қилинмоқда.

Халқимизнинг бой маданий меросини тиклаш ва ўрганиш мақсадида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимизда Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилмоқда. Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази фаолияти йўлга қўйилмоқда. Китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилиб, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил қилинмоқда.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида ёш истеъдод эгаларининг иқтидорини юзага чиқариш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг учрашувдаги маърузасида маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнлари, бу борадаги ижобий тенденциялар билан бирга, айрим салбий ҳолатлар, уларнинг жамият ҳаётига таъсири холисона ва танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида атрофлича фикр юритилди. Ижодий уюшмалар, Маданият вазирлиги ҳамда унинг таркибидаги бирлашма ва ташкилотлар фаолияти чуқур таҳлил этилди. Ижодкор зиёлиларнинг бугунги кунда жамият ҳаёти, ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва вазифаси ҳақида муҳим ва долзарб фикрлар баён қилинди.

Президентимиз халқимизнинг маънавий камолотида ижодкорларнинг хизмати беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида барча соҳалар вакиллари қатори маданият ва санъат аҳлидан ҳам янада фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи талаб этилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантиқий натижаси ҳақида сўз юритиб, **«Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади»,** деган фикрни қатъият билан таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, академиклар О.Салимов, Р.Убайдуллаева, Бадиий академия раиси А.Нуриддинов, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳ.Худойбердиева, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби А.Слоним, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори С.Ғафурова, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Ҳ.Насимов, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар маданият, адабиёт ва санъат соҳасига кўрсатилаётган юксак эътибор, самимий мулоқот учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, белгилаб олинган мақсад ва вазифалар, яратилаётган шароит ва имкониятлар ижод аҳлини янги ва сермазмун асарлар яратишга руҳлантириши, барча ижодий ташкилотларни ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, уни ҳар томонлама самарали ташкил этишга даъват этишини таъкидладилар.

**ЎзА**

# ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимиз темир йўл транспорти соҳаси мураккаб йўлни босиб ўтганини, мамлакатимиз ҳудудларини ишончли боғлайдиган, халқаро транспорт йўлакларига чиқиш имконини берадиган темир йўл транспорти коммуникацияларининг яхлит тизими барпо этилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 10 март куни Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Бухоро — Мискин темир йўл қурилишининг бориши билан танишиб, тармоқдаги ишлар сифатини янада оширишга қаратилган қатор таклиф ва тавсияларини берди. Умумий узунлиги 355 километрни ташкил этадиган мазкур темир йўлнинг 335 километри тамомила янгидан бунёд этилмоқда. Мазкур темир йўлнинг қуриб, фойдаланишга топширилиши билан поездлар қатнови қарийб 75 километрга қисқаради.

Қарши ва Термиз оралиғидаги темир йўлни электрлаштириш ишлари авж палласида. Узунлиги 325 километрни ташкил этадиган мазкур йўлнинг 183 километри тўлиқ электрлаштирилди. Урганч — Хива янги темир йўли қуриш ва электрлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Темир йўл вокзалларини замонавий талаблар асосида қайта қуриш, йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда мамлакатимизда 16 янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 9 вокзал реконструкция қилинди. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги Жанубий вокзални реконструкция қилиш, Хива ва Наманган шаҳарларида замонавий вокзаллар қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Қурилиш-бунёдкорлик ишларида ҳам темирйўлчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Турли мураккабликдаги йўллар, кўприклар, эстакадалар бунёд этишда катта тажриба тўплаган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоаси бугун ўта мураккаб қурилиш — ер усти ва ерости метрополитенларини барпо этишга киришган. Пойтахтимизнинг Сергели туманини шаҳар маркази билан боғлайдиган олти бекатли ер усти, Юнусобод туманида ерости метрополитенини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда Президентимизнинг шу йил 4 августдаги «Мамлакатимиз темир йўл соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ бир гуруҳ темирйўлчиларга давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари топширилди.

— Давлатимиз раҳбарининг фармони билан жорий йилдан бошлаб ҳар йили август ойининг биринчи якшанбаси темир йўл транспорти ходимлари куни сифатида нишонланиши бизга чексиз ғурур бахш этди, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси бош директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Нусратилло Абдуллаев. — Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш, зиммамиздаги масъулиятни теран англаш, халқимиз манфаати йўлида садоқат билан хизмат қилишга ваъда берамиз.

Тадбирда таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг концерти намойиш этилди.

**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

◄ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

Масъул шахслар фаолиятини баҳолаш юзасидан кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ҳар ой якунида ҳисобот бериб бориш вазифаси топширилди.

# ЮКИНГ ЕРДА ҚОЛМАГАЙ, ОНА ЮРТ, ОТА МАКОН

Янги давр шиддатидан вақтнинг ҳам ўзига қарашга вақти йўқ. Вақт гўё азалий ва абадий маромидан кечиб, ўз жиловини замон шиддатлари ихтиёрига топширгандай — кўзларидан ўт, туёқларидан чақмоқлар чақнаётган тулпоргами ёинки жийрон қашқа дулдулга ҳам ўхшаб кетади. Ўзига ҳам аёвсиз бу учқур, кўкбўз отнинг чавандозию чопағони ҳам вақтнинг ўзи.

Боболар «Вақт табиб, даволайди...» дер эдилар. Бугунги замонамизнинг шитобу шаштларига қиёсан олганда, «табиб»имизнинг ўзи ўзини таҳрир қиладиганга ўхшайди. Бу дегани вақт энди даволамайди: ёвқур чавандоз, фуржанг борида ҳаракатингни қилмасанг, тезроқ эҳтиёт чорангни кўрмасанг, қараб ўтирмайди. Мангуликка йўл олган бўронсифат шу тулпорнинг кескир туёқлари остида чилпарчининг чиқиб, беному нишон қолиб кетмаслигинг учун ўз ниҳолинг, кўчатинг ва дарахтингни эзгулик боғига қадашга улгурмоғинг — ўзингга, фақат ўзингга боғлиқ.

**«Ваҳки, умрум борча зоеъ бўлди эл коми била»** дея афсус чеккан эканлар Алишербек бобомиз.

Буюк элпарварлигию оламшумул шоирлиги билан абадиятга қадар ном қолдирган Навоий ҳазратларики умримни елга совуриб, зоеъ кетказдим деб турган эканлар, улуғ аждодимизнинг шу бир сатргина шеъри олдида бизлар киммиз, биз нима дея оламиз?!

**«Элга эга керак, эга бўлмаса, нега керак»** дейилади кўҳна халқ мақолида...

Биринчи Президент. Буюк бунёдкор. Истиқлолимизнинг бош меъмори...

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

«Буни қаранг-а, вақтнинг ўтишини, аёвсизлигини қаранг-а!.. Аллақачон бир йил бўлибди-я ўтканларига?! Улуғ инсон эдилар, Худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатларнинг тўрларидан бўлсин...»

Маҳалла отахонларининг бу гап-сўзлари тезоб-сершитоб вақтнинг ўткинчи гангур-гунгурларидай туюлса-да, аслида элу юртга, унинг Буюк фарзандига тааллуқлиги, оддий халқнинг меҳр ва эҳтироми ифодаси эканлиги билан ҳам беҳад қадрлидир.

Йигирма беш йил — чорак асрлик муддат давомида бир халқ, бир миллатнинг шараф тонглари отган бўлса, Йўлбошчининг сочлари буткул оқариб кетгани ҳам шундоқ кўз ўнгимизда рўй берган буюк тарихий ҳодиса, вақту замоннинг мангу мунаввар тимсолидир.

«Э, билмайсиз-да, шаир ука, халқнинг касаси оқармоғи учун, элнинг тонги отмағи учун Ислом Каримовнинг умри сарп бўлди, боши оқарди ахир... Э, ул кишига осон бўмаган. Шагирдиға ҳам осон бўмайди! Худойим кучқувватдан берсин, умрини берсин! Тирмизий боваларни йўқлаб кепти, Бухорий боваларини зиярат қипти, илайим, шу юртнинг азизавлиёлари даим ҳамрайи бўсин! Омин!...»

Бу халқона, самимий сўзлар — оддий мўйсафид буванинг дилдан чиққан дуоси, дил тубидаги тилаклари...

**«Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!»** Нима учун айнан шу сўзлар мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрамини нишонлаш тўғрисидаги Президентимиз Шавкат Мирзиёев



қарорида бош ғоя, шиор сифатида алоҳида кўрсатиб ўтилгани замирида ҳам юксак инсонийлик ва ҳурмат-эҳтиромга йўғрилган теран мазмун ва ҳикмат яширинган. Яъниким, халқ учун, Ватан учун ҳамма нарсанинг бахридан кечиб, ўзини, умрини бахш этган, фидо бўлган инсонлар бор, умримиз ўткинчи, шундай зотлардан ибрат олайлик, муҳаббат билан, садоқат билан шу азиз Ватанга, элга, халққа хизмат қилайлик деганидир бу...

Парвардигори олам маълум саналар ва рақамлар замирида буюк инсонлар, тарихий шахслар тимсолида бутун бошли миллатлар ва давлатларнинг тақдирини яшириб қўяркан. Кези келганда бу илоҳий саналар қаршисида вақт ҳам ожиз ва нотавон қолганлигига яқин ва олис тарихимиздан, миллатимизнинг улуғ сиймолари ҳаётидан кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бизнинг бугунги сершиддат замонимизда вақту соат тушунчаси бутунлай ўзгарди. Тонг ва шом, тун ва кун, кеча ва кундуз сингари бобомерос сўзлар мумтоз ғазаллар аро қолиб кетгандай, воқеа-ҳодисалар, рўй бераётган янгиланишлару ўзгаришлар — барча-барчаси тонг ва кундан, аниқроғи, вақтдан ҳам илдамроқ содир бўлаётгани — янги даврнинг шитобларию шиддатлари эмасми? Бундайин бетиним ва беҳаловат замонани, айни пайтда пойқадами изларидан бутун бошли шаҳарлару мавзелар, ҳайратомуз иншоотлар, йўлларкўприклар бино бўлаётган, кўркам-нурафшон манзилу маконлари одамларнинг ёруғ чеҳрасидай нур таратаётган ҳеч бир вақтни кўрганмисиз?.. Эрталабки янгилик, бунёдкорлик хабари пешинга борар-бормай бошқа хушхабар ва ё мужда билан алмашиняпти.

Донишманд халқимизнинг **«Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги»** деган пурҳикмат мақоли олдида ҳурмат ва эҳтиромимизни бажо келтириб, изн ва узр сўраган ҳолда айтиш мумкинки, янги давр, янги замон шиддати вақтнинг ҳам тизгинсиз суръатини лол қолдириб, қадим ва емирилмас ҳикматларга ҳам ўзгартиш киритиши муқаррар экан. Шу кеча-кундузда диёримизнинг қайси гўшасига борманг, эл яшайдиган уйлар ҳам, рўзғорию турмуш шароитларидан тортиб уй жиҳозларигача ҳар кун, ҳар соатда янгиланаётгани, руҳиятию кайфияти, онги ва тафаккуригача шу янгиланишлардан баҳраманд ва мамнунлигини ватандошларимизнинг юз-кўзлари, қиёфасию ёруғ чеҳраларидан кўриб, ишонч ҳосил қилиш мумкин...

**...Шу эл, шу халқ бўлмаса биз киммиз?! Шу халқ, шу Ватан учун яшаймизда, бўлмаса яшашнинг нима кераги бор?..**

**...Дунёни биз ҳар кун, ҳар соатда юрагимиздан ўтказиб яшашимиз керак...**

**...Жаҳолатга қарши маърифат. Ёшларга билим, билим бериш, ўқитиш, билим, билим, фақат билим билан жаҳолатнинг йўлини тўсиш мумкин!**

**...Бир варақ ёзиш учун аждодларимиз қанча-қанча мерос ўрганган... Тарбия, тарбия, яна бир марта тарбия!..**

**...Сохта алдовларга учиб умрини хазон қилаётган фарзандларимизни кўриб, рости гап, кечалари уйқум келмайди. Азоб, бу азоб менга! Бу аччиқ ҳақиқат ханжар бўлиб юрагингизга санчилиши керакмасми?! Керак!..**

**...Уйимизни асрашимиз керакдир, лекин болани асраш, боламизни асраш — биринчи галда!... Боламиз — қўлимизда омонат, ўқитмасак, тарбия қилмасак, маърифат ва таълим бермасак — у бола кетиб қолади.**

**...Китобсиз келажак йўқ. Китобга қайтган эл, халқ, одамзод ҳеч қачон кам бўлмайди!..**

**...Барчамизни тарбиялаган, вояга етказган шу халқ... Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ...**

**...Ватанни севиш керак! Бошқа гап йўқ!..**

Давлатимиз раҳбарининг юртдошларимиз билан бўлган турли учрашувлар ва мулоқотларда айтган сўзларидан келтирилган иқтибосларни ёзув дафтарларимдан кўчириб мисол қилиб олдим.

Бу иқтибосларда бутун бир мамлакат, халқ






ва миллат тақдири ва юкини ўз зиммасига олган бедор ва беором, доимо уйғоқ ва беҳаловат Раҳнамонинг юраги ўттиз икки миллионлик юртдошларимизнинг қалблари билан дилдош ва қондош бўлиб ураётганига имон келтирасиз.

Устоз Ҳамид Олимжоннинг **«Кўзларимни юммасман асло — Дарё каби уйғоқ ўтурман»** деган сатрларининг мазмуни ҳам шу эмасми...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган кенг қамровли учрашуви ҳам мамлакатимиз маданиймаърифий ҳаётида том маънода туб бурилиш ясаган катта ижтимоий-маънавий воқеа сифатида янги тарихимизда бир мунаввар саҳифа бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари **маънавий бурчини, ўз бурчи ва садоқатини англаб, ўзини аямай меҳнат қилаётган замондош ижодкорларимиздан мен мамнунман,** дея таъкидларкан, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий тарбияси жамиятнинг **ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат** масаласи эканига алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган давру замонамиз ҳам, бурч ва масъулиятимиз ҳам ҳар биримиздан дарё мисол уйғоқликни талаб қилаётган экан, ибрат ва муқоясани кимдан олиб, қалам ва қадамларимиз суръатини кимнинг қадамларига қараб мослашимиз кераклигини ҳам жиддий ўйлаб кўришимиз, янги тонг отишини кутмасдан, ишни бугунданоқ, ҳозирнинг ўзидаёқ бошламоғимиз, бўлмаса эртанги тонгимиз бир пасда кечаги кунга айланиб қолишини, бахту имкониятларимиз бекор кетган вақтнинг чангу тўзонларида совурилиб кетмоғини ҳам, бир зум бўлса-да, эсдан чиқармаслигимиз шарт ва зарур...

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

**ЎзА**

Халқаро пресс-клубда

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎЗГАРУВЧАН МЕҲНАТ БОЗОРИГА МОСЛАША ОЛАДИМИ?

**Халқаро пресс-клубда «Таълим тизими ўзгарувчан меҳнат бозорига мослашиш йўлида» мавзуида навбатдаги сессия бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Д.Кенжаев, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори С.Туробжонов журналистлар билан мулоқот қилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш зарурати, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари билан кооперация алоқалари талаб даражасида эмаслиги оқибатида меҳнат бозорига малакали мутахассислар етказиб бериш борасида оқсаш кузатилмоқда. Буни ЮНЕСКО томонидан «DGP Research & Consulting» консалтинг ташкилоти кўмагида жорий йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари ҳам кўрсатмоқда. Унда, хусусан, олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги етарлича таъминланмагани, талабаларнинг малака амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш суст ташкил этилгани оқибатида битирувчиларнинг маълум қисми ишга жойлашгандан сўнг қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётгани, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, хорижий ҳамкорлик алоқалари етарлича йўлга қўйилмагани қайд этилган.

Сўнгги пайтларда мазкур масалага устувор аҳамият берилмоқда. Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони, «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилингани бунинг амалдаги исботидир.

Иштирокчилар мазкур ҳужжатлар кенг жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинганини, уларда белгилаб берилган чора-тадбирлар наинки олий таълим тизими, балки иқтисодиёт тармоқларининг жадал ривожланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бугунги кунда ишлаб чиқаришни замонавий кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.Мажидов. — Афсуски, кўп ҳолларда талабалар ҳам, профессор-ўқитувчилар ҳам ишлаб чиқариш жараёнлари билан етарлича таниш эмас. Президентимизнинг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш ўртасида мана шундай узилишларга барҳам беришга қаратилгандир.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси нодавлат-нотижорат шаклидаги ташкилот сифатида фаолият кўрсатган бўлса, эндиликда «Ўзбекистон Республикаси Президентининг чет элда стипендиатларнинг малака ошириши, стажировка ўташи ва таълим олишини ташкил этиш «Истеъдод» жамғармаси» деб ўзгартирилиб, давлат муассасаси мақомини олди, — дейди жамғарма ижрочи директори А.Пардаев. — Жамғарманинг мазмуни билан боғлиқ қатор принципиал жиҳатлари ҳам ўзгарди. Хусусан, ёшларнинг магистратура ва PhD дастурлари бўйича хорижда ўқишлари белгиланди. Энг асосийси, чет элда стажировка ўташни маблағ билан таъминлаш масаласининг аниқ механизмлари белгилаб берилди. Натижада жамғарманинг бир йиллик дастурини амалга ошириш учун 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Чет элда малака ошириш, стажировка ўташ ҳамда магистратура ва PhD дастурлари бўйича таълим олишга юбориладиган илмталабларнинг келгусида қайси корхонада ёки таълим муассасасида ишлаши олдиндан аниқланади ва қайтгандан сўнг мазкур ташкилотларда фаолият кўрсатади. Уларнинг меҳнат, педагогик ва илмий фаолияти тизимли мониторинг қилиб борилади.

1 август куни мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида тест синовлари бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 28 июлдаги «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институтига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинмаган бўлса-да, ўқиш 2017/2018 ўқув йилидан бошланиши белгиланди. Бу борадаги саволларга Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Д.Кенжаев жавоб берди:

— Қарорга мувофиқ, институтга 2017/2018 ўқув йили учун 750 қабул квотаси ажратилган. Талабалар контингенти Тошкент вилоятида доимий яшаётган Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирилади. Биринчи ўқув йилида ўқитиш тўлиқ тўлов-контракт, кейинги йилдан бошлаб давлат гранти асосида ҳам ўқитиш жорий этилади.

Йиғилишда мамлакатимизда олий таълимга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани қайд этилди. Президентимизнинг 2017 йил 5 майдаги «2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, умумий квота 10 фоизга оширилди. Тест жараёнининг очиқлигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш бўйича мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртларида синов тариқасида қўлланилган назорат чора-тадбирлари келгусида бошқа таълим муассасаларида ҳам амалга татбиқ этилиши маълум қилинди.

**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Пойтахтимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва «Тараққиёт стратегияси» маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

# ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган ҳар бир муаммога ечим топиш, ёшларнинг мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларидаги иштирокини таъминлаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ушбу меморандум давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мамлакатимиздаги ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар изчил амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Тадбир доирасида Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ёшларнинг ўрни, тадбирларда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар фаоллигининг долзарб жиҳатларини акс эттирган ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

«Ҳаракатлар стратегияси» кўнгилли ёшлар гуруҳлари аъзоларининг йиллик фаолияти якунларига бағишланган «Ёшлар тараққиёт тарафдори» республика форумини ташкил этиш асосий лойиҳалардан бири сифатида қайд этилди. Ҳаракатлар стратегиясини ёшлар орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш, Давлат дастури ижросида уларнинг иштирокини фаоллаштириш, шунингдек, амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида маълумот бериш, бу борада ёшларнинг фикрларини ўрганиш, янги таклиф ва ғояларни ҳаётга татбиқ этиш ушбу форумнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

Таълим муассасаларида «Ҳаракатлар стратегияси» хоналари фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳаси ҳам иштирокчилар томонидан маъқулланди. Ташкил этиладиган мазкур хоналарда Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг ахборот таъминоти амалга оширилади. Таълим, ватанпарварлик, спортсоғломлаштириш, маданий-маърифий, кўнгилочар, санъат, хайрия, расмий ва бошқа турдаги ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказилади.

Кенг муҳокамаларга сабаб бўлган яна бир долзарб ғоя — ёш журналист, блогер, репортёр, оператор ва таҳрирчилар иштирокида «Бизнинг стратегия, бизнинг ҳаракатлар» шиори остида медиа конференция ташкил этиш ҳамда фаол қатнашганларни рағбатлантириш лойиҳаси ижобий баҳоланди.

Савол-жавоб ва муҳокамалардан сўнг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва «Тараққиёт стратегияси» маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни замонавий кадрларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҒАМХЎРЛИГИ

## жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қилади

**Бугунги замон сиёсий партиялардан электорат билан ишлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ташаббуслар кўрсатиш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, амалий ишларни кўпайтиришни талаб қилмоқда. Бу ҳақда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланган, муаммоларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар билдирилган эди.**



*Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.*

Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш ғоялари илгари сурилгани, аммо бу борада амалий ҳаракатлар кўзга ташланмаётгани танқид қилинди. Шу нуқтаи назардан партия ўз ишини қайта кўриб чиқиши, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиши, уларнинг фаолияти устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиши ҳар томонлама тўғри бўлади.

Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармойиши ҳам партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя этишда муҳим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, партия электорат вакиллари билан мулоқотни янада кенгайтириш, ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларида ҳаётий таклифлар тайёрлаш зарур. Шу мақсадда партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори қабул қилинди. Унда Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича режа белгиланди. Партия Марказий Кенгаши, фракция аъзолари ҳамда жамият вакиллари билан ўтказилган учрашувда қилиниши лозим бўлган вазифалар келишиб олинди.

Хўш, партиямиз бу борада қандай ташаббуслар билан чиқишни мўлжаллаяпти? Партия ташкилотлари ва Ногиронлар жамияти ҳамкорликда қандай ишларни амалга оширмоқчи?

— Партиямиз дастурий мақсадларида имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари муҳим ўрин тутади, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев.** — Шунинг учун ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, даволаш-профилактика хизматини кенгайтириш партия ташкилотлари ва депутатлар олдида турган асосий вазифалардан саналади.

Кези келганда тан олиш керакки, шу пайтга қадар партиямиз тизимида ногиронлар манфаатларини ҳимоя қилишда етарли иш олиб борилмаган. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари томонидан Ногиронлар жамияти билан ҳамкорлик қилишда сусткашликка йўл қўйилган. Ваҳоланки, бу масалада Сайловолди дастуримизда қатор вазифалар белгиланган. Бунга эътиборсиз қарашда давом этсак, аҳоли, сайловчилар орасида партиямиз обрўсига путур етказган бўламиз. Шунинг учун энди таклифларимизни дадил айтишимиз зарур.

«Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармойишида кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлар қониқарли эмаслиги таъкидланди. Бу бевосита бизга ҳам алоқадор масала. Фармойишда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишда янада фаол бўлишимиз талаб қилинади. Шундан келиб чиқиб, депутатлар билан биргаликда Ногиронлар жамияти аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг таклифларини ўрганяпмиз. Улар билан ҳамкорликда тизимли иш олиб бормоқчимиз.

Бундан ташқари, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳолатини, уларнинг таълим олиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари амалга оширилишини, шунингдек, ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги ваколатли органлар фаолиятини танқидий ўрганиш, лозим топилганда, маҳаллий Кенгашлар ва парламентда эшитувлар ташкил қилиш бўйича чоралар ишлаб чиқилди.

Мақсадимиз жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдан иборат.

— Ҳар бир инсон яхши яшашга, орзу-ниятларига етишга ҳақли, албатта, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Турсунбоев.** — Шу маънода, ногиронларга кенг имкониятлар яратиш, уларнинг турмуш фаолиятидаги қийинчиликларни бартараф этиш, тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш жиддий масала.

Фармойишда ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни, ундаги бўшлиқлар, камчиликлар ҳамда коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация ва таҳлил қилиш белгиланган. Бу парламент депутатлари, фракциямиз аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди. Жисмоний икмонияти чекланган кишиларни нималар ўйлантиряпти, улар муносиб турмуш кечириши, ўқиши, ишлаши учун қандай тўсиқларга дуч келаётганини ўрганиб, уларни бартараф этиш масалаларини қонунчиликда акс эттиришимиз лозим.

Тан олиш керак, ногиронлик гуруҳини аниқлашда, протез-ортопедия ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашда тиббий маслаҳат комиссиялари ҳамда тиббий меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятида бюрократик тартиб-таомиллар ҳали ҳам мавжуд. Жумладан, 2016 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Президент Виртуал қабулхонаси ҳамда Республика Бош прокуратураси «ишонч телефони»га тушган 5521 мурожаат бу фикрни тасдиқлайди.

Очиқ айтиш керакки, бу мазмундаги мурожаатларнинг сони ортишида биз, депутатларнинг ҳам айбимиз бор. Сайловчилар билан учрашувларга чиққанимизда уйма-уй юриб, ногиронлар билан суҳбатлашишимиз керак эди. Улар андиша қилиб, тортиниб, ўз муаммолари ҳақида кўпчиликнинг олдида гапирмаслиги мумкин. Демак, улар билан юзма-юз мулоқотларни кўпайтириш зарур. Ҳозир шу масалага ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Натижада жисмоний имконияти чекланган фуқаролар орасида биз билган ва билмаган масалалар юзасидан ҳаётий таклифлар билдирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлар масалалари билан шуғулланаётган 12 вазирлик, идора бор. Мисол учун, ногиронликни аниқлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги ташкилотга, иш билан таъминлаш масаласи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тегишли ва ҳоказо. Ногиронлар жамияти жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қиладиган, бу борадаги вазифаларни умумлаштирган алоҳида муассаса ташкил этилса, муаммолар бир жойда ҳал қилинади, деган таклифни беряпти.

— Ногиронларни ўйлантираётган муаммоларни иккита тоифага бўлиш мумкин, — дейди **Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Ойбек Исоқов.** — Ногиронлик аравачаси билан таъминлаш, ижтимоий объектларга эмин-эркин кириб-чиқиш имконини берувчи пандусларни ўрнатиш, тиббий хизмат кўрсатиш каби масалалар локал муаммолар дейилади. Лекин тизимли муаммолар ҳам бор. Куни кеча эълон қилинган фармойишнинг ўзига хос аҳамияти шундаки, унда муаммоларни тизимли ҳал этиш масаласи қўйилган. Аслида тизим йўлга қўйилмаса, локал муаммоларнинг якунига етиб бўлмайди. Шунинг учун биз ҳар томонлама пухта таклифларни беришга ҳаракат қиляпмиз.

**Шу ўринда савол туғилади: тизимни қандай ўзгартириш мумкин?** Бунда, аввало, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда иш кўриш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясига мурожаат қилиш керак. Чунки ушбу ҳужжатда ногиронларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ тизим қандай бўлиши кераклиги кенг баён этилган.

Муаммоларни ечишда ҳам икки хил нуқтаи назар бор. Биринчиси — ногиронликнинг тиббий модели. Бу орқали имконияти чекланган фуқаролар зарурий воситалар билан таъминланади ва уларни ҳаётга мослаштиришга ҳаракат қилинади. Инсон жамиятга қўшилиши учун имкон берилади.

**Лекин ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар бошқа йўналишга, яъни ижтимоий моделга ўтган. Ушбу модел жамиятдаги муҳитни ногиронлар учун мослаштиришни ҳам англатади.** БМТ Конвенцияси бевосита шу модел бўйича ишлаб чиқилган. Кўриниб турибдики, тизимни ўзгартириш учун шу асосда иш ташкил қилиниши лозим. Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари билан учрашганимизда шундай таклифлар бердик.

Президентимиз фармойишида ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга оид вазифалар белгиланди. Гап шу ҳақда кетганда, биз ҳам таклиф билдирмоқчи эдик.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши тарафдоримиз. Тўғри, «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун бор. Лекин бу ҳужжат ижтимоий масалаларга қаратилган бўлиб, унда ногиронларнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари кенг қамраб олинмаган. Сайлов участкаларининг ногиронларга мослаштирилиши, сайловолди дастурлари брайль ёзувида бўлиши, телевидение орқали намойиш этиладиган сайловолди тадбирларнинг сурдо таржимон билан берилиши ва яна қатор масалалар қонунан тартибга солинса, тўғри бўлади, деган таклифни илгари сурдик.

Бундан ташқари, суд тизимининг очиқлигини таъминлаш масаласи ҳам бор. Яъни, **суд бинолари ногиронлар учун мослаштирилмаган. Пандуслар ёки лифтларнинг мавжуд эмаслиги, суд жараёнида сурдо таржимонларнинг йўқлиги турли ноқулайликларни келтириб чиқармоқда.** Ушбу муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этади.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

## ЎзХДП ҳаётидан

Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар партия кенгашлари томонидан вилоят онкология диспансерида соғлиқни сақлаш ходимларининг масъулиятини кучайтириш мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда вилоятда хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини чуқур ўрганиш, тарғибот-ташвиқот тадбирларининг самарадорлигини ошириш масалалари хусусида сўз юритилди.

### ШИФОКОРНИНГ СЎЗИ ҲАМ ДАВО

**ЎзХДП вилоят кенгаши сектор мудири Шаҳло Худойқулова** содир бўлаётган кўнгилсиз ҳолатларнинг сабабларига тўхталиб ўтди. Маълум бўлишича, кўпинча аёллар оилада ўз ўрнига эга бўлолмаётгани, ёш келинларнинг тажрибасизлиги ушбу нохуш ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бу борадаги муаммолар бартараф этилишида оилавий психологларнинг ўрни катта. Ҳозирги кунда амалиётчи психологларга талаб юқорилиги учун соғлиқни сақлаш ходимларига кўмакчи сифатида психологик маслаҳат марказларини кўпайтириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

**ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Рашид Муртазаев** хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, тиббий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди. Турмушида муаммоси бор аёллар билан юракдан суҳбатлашиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда онкология диспансери шифокори, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Илҳом Бекназаров ва бошқалар тиббиёт ходимларининг бемор аёлларга эътиборини кучайтириш, уларга ширинсўз ва меҳрибон бўлиш кераклиги ҳақида фикр билдиришди. Депутатлар ҳамда шифокорлар зиммасидаги долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

---

## Сайёр қабуллар

Электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш мақсадида ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши томонидан сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Нукус тумани «Ток-тау» маҳалла фуқаролар йиғинида партия электорати вакиллари билан ўтказилган суҳбат чоғида бир қатор мурожаатлар бўлди.

Баъзи фуқаролар нафақаларини ўз вақтида ололмаётганини таъкидлашди. Сапура Давлетбаева балиқчилик билан шуғулланиш учун банкдан кредит олишда ёрдам сўради. Бу масалалар юзасидан Нукус туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Нукус туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Суйиндик Абдимуратов депутатлик сўрови юборди.

«Ток-тау» овул фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи ёш рассом Сулаймон Қонарбаевнинг оилавий шароити ўрганилди. У партия аъзолигига қабул қилинди. Ёш рассом асарларининг кўргазмасини ташкил этишга ёрдам бериладиган бўлди.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Савол ва жавоб

# ТИББИЁТ ВА СОЛИҚ СОҲАСИДА

## қатор янгиликлар жорий этилади

**Дорихонада ишлайман. Шунинг учун тизимдаги ўзгариш ва янгиликлардан хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Президентимизнинг аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қабул қилган қарори асосида соҳада яна қандай янгиликлар бўлиши кутиляпти?**

**Рамина МАҲМУДОВА,**
**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани.**

**Саттор РАҲМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Шу йилнинг 17 июлида Президентимизнинг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Унга кўра, жорий йил 1 августдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш истисно тариқасида «Ўзмедэкспорт» республика ташқи иқтисодий давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Бунда тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича республика комиссияси тасдиқлайдиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича тендер савдолари ўтказилмайди.

Шу йилнинг 1 июлигача тузилган импорт контрактлари бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш ва сотиш уларни тузиш санасида амалда бўлган шартлар ва белгиланган нархларда амалга оширилади. Тиббиёт маҳсулотларини сертификатлаштириш фақатгина «Ўзстандарт» агентлигида ўрнатилган тартибда аккредитация қилинган давлат сертификатлаштириш органлари томонидан амалга оширилади.

Яна бир муҳим масала. Дорихоналар фаолиятини ташкил этиш бўйича янгидан жорий этилган талабларга асосан уларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бўйича амалдаги лицензиялари 2018 йил 1 январга қадар қайта расмийлаштирилиши шартлиги белгиланди. Бунда қайта расмийлаштириш янги лицензияловчи орган — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш соҳасида лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш шўъбалари ташкил этилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор ҳам фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолини арзон нархларда дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш имконини беради.

**Эшитишимча, 2018 йилнинг 1 январидан солиқ соҳасида бир қатор янги ўзгаришлар жорий этилар экан. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...**

**Отабек БАХТИЁРОВ, Бухоро солиқ коллежи ўқувчиси.**

**Зулайҳо АКРАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳақиқатан ҳам, келгуси йилдан бошлаб солиқ соҳасида бир қатор янгиликлар бўлиши белгиланди. Президентимизнинг «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида 2018 йил 1 январдан бошлаб солиқ органлари ва ҳалол солиқ тўловчилар ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутувчи солиқ назоратининг замонавий шакли — солиқ мониторинги жорий этилиши белгиланди. Шунингдек, йирик солиқ тўловчилар бўйича солиқ маъмуриятчилиги функциялари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар — хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин. Давлат солиқ хизмати органларига кирим ҳужжатларини расмийлаштирмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қиладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларини 5 банк кунигача бўлган муддатга вақтинчалик тўхтатиб туриш ваколати берилади.

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоят марказларида онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш орқали накд пул тушуми устидан автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилади. Республикамизнинг қолган ҳудудларида мазкур тизим босқичма-босқич жорий қилинади.

Давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектлар ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги устидан тизимли мониторингни амалга оширади, натижаси бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаштиради.

Яна бир муҳим масала. 2018 йилнинг 1 январига қадар тадбиркорлик субъектларини электрон рақамли имзо билан, шунингдек, солиқ тўловчиларга солиқ органларининг барча давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини тўлиқ таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Демак, кўриниб турибдики, ушбу қоидаларнинг амалга оширилиши солиқ соҳасида шаффофликни таъминлаш учун кенг йўл очади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

---

Жисмоний имконияти чекланган фуқароларга дахлдор долзарб масалалар юзасидан ҳаётий таклифлар билдирилмоқда.

• 2017-yil, 5-avgust. Shanba • 94-95 (32.310)-son
www.uzbekistonovozi.uz info@uzbekistonovozi.uz

# БИР УМР ХАЛҚИНИНГ ҒАМ-ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАБ ЎТДИ

**Бугун халқимизнинг ардоқли фарзандларидан бири Шароф Рашидов ҳақидаги ҳар бир хотира биз учун қимматли аҳамиятга эга. Афсуски, улуғ инсоннинг эътиборига тушган, қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўлган, елкама-елка ишлаган юртдошларимиз сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.**



Узоқ йиллар «Ўзбекбирлашув» идорасига раҳбарлик қилган, кейин республика савдо вазирлигини бошқарган Мадамин Ҳасанов ҳам ана шундай инсонлардан бири. Юз билан юзлашаётган отахон йигирма йилга яқин Шароф Рашидов билан яқин мулоқотда бўлган, у кишининг кўплаб муҳим топшириқларини бажарган. Суҳбатимиз мана шу муносабатлар тафсилотига бағишланади.

***— Суҳбатни Шароф Рашидов билан илк танишган пайтларингиздан бошласак...***

— 1956 йилда Москвада номзодлик диссертациясини ёқлаб, юртга қайтдим. Юқори идораларнинг тавсиясига кўра, Андижон вилояти матлубот жамияти раислигига тайинланишим керак эди. Лекин ўша пайтдаги вилоят раҳбари Қўрғонтепа туманига раҳбар бўлиб боришни илтимос қилди. Рози бўлдим. Қисқа муддатда туман марказини электрлаштирдик. Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидан ўтадиган канал устига кўприк қурдирдим. Ўша йили октябрь ойида Республика Олий Совети Президиуми раиси бўлиб ишлаётган Шароф Рашидов мен раҳбарлик қилаётган туманга борди. Ишларимиз билан танишди. Муваффақият тилади. Тумандаги 4 йиллик иш давримда у киши билан яна бир неча бор учрашишга тўғри келди. Кейин мени Андижон вилояти матлубот жамияти раислигига ўтказишди.

***— Тўғриси, ҳозирги авлод матлубот жамиятининг қанақа идора ё муассаса эканини, нима вазифа бажарганини билмайди.***

— Дарҳақиқат, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятимизда бунақа тушунчаларга ўрин қолмади. Эски тузумда савдо тўлиқ давлат тасарруфида бўлиб, қишлоқ аҳолисига туман матлубот жамиятлари, қишлоқ кооперациялари, шаҳар ва шаҳарчаларда эса савдо вазирлигига қарашли тузилмалар хизмат кўрсатарди. Ўша пайтда Андижон вилоятининг асосий аҳолиси қишлоқда яшагани сабабли, уларни савдо дўконлари орқали барча турдаги халқ истеъмол моллари билан таъминлаш мен раҳбарлик қилаётган ташкилот зиммасида эди. Республикада эса бизга «Ўзбекбирлашув» ташкилоти раҳбарлик қиларди.

Мен имконим борича, аҳолини зарур маҳсулотлар билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш чорасини кўрардим. Натижада барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижага эришдик. Ҳатто, 1964 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекбирлашув»нинг навбатдаги съездида ишимизга юксак баҳо берилиб, анжуман қатнашчиларининг вилоятга ташрифи уюштирилди. Бу гаплардан Шароф Рашидовнинг яхши хабари бор эди. Шунинг учун 1966 йилнинг апрелида рўй берган зилзиладан сўнг мени ҳузурига чақиртирди. Табиий офат асоратлари тугатилаётган, юртимизга турли ҳудудлардан юзлаб қурувчилар келаётган пайтда республика аҳолисини, тошкентликлар ва меҳмонларни барча зарур маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш сиёсий масала эканини айтиб, менга «Ўзбекбирлашув» идорасига раҳбар бўлиб ўтишни таклиф этди. Ўша пайтдан бошлаб ўртамизда доимий мулоқот қарор топди. Чунки Шароф Рашидов республиканинг биринчи раҳбари сифатида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий равнақини таъминлаш билан бир қаторда халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам масъул эди. Кейинги вазифанинг муваффақиятли ҳал қилиниши эса кўп жиҳатдан савдо ташкилотларининг ўз ишини талаб даражасида ташкил этишига боғлиқ эди.

***— «Халқлар дўстлиги» саройи, Тошкент телеминораси сингари улкан ва бетакрор иншоотлар халқимизга Шароф Рашидовдан ёдгорлик бўлиб қолди. Эшитишимизга қараганда, у киши замонавий савдо тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор берган экан...***

— Маълумки, Шароф Рашидовнинг раҳбарлик даврида шўро давлатига келадиган хорижлик давлат арбоблари ва таниқли шахсларнинг деярли ҳаммаси юртимизга ташриф буюришган. Уларни кутиш-кузатиш учун эса замонавий шарт-шароит керак эди. Тошкент шаҳри ва ҳудудлардаги икки-уч қаватли Марказий универсал магазинлари, ресторанлар, меҳмонхоналар ўша йиллари қад кўтарди. Ҳурмати меҳмонлар, сайёҳлар айланганда хизматнинг сифати ва даражасидан уялмайдиган бўлдик.

***— Айтишларича, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг салобатли биноси ҳам ўша йилларда қурилган экан?***

— 1966 йилда рўй берган зилзила оқибатида «Ўзбекбирлашув»нинг эски идораси тутдай тўкилиб қолди. Ўша йиллари асосий эътибор турар жой қурилишига берилгани боис, маъмурий бинолар қурилиши вақтинча тўхтатилганди. Истисно тариқасида, бизга рухсат берилди. Шароф Рашидов битта шарт қўйди: бино замонавий, ҳар томонлама шинам, Тошкентнинг бош кўчаларидан бирини безайдиган бўлиши шарт. Натижада ўзининг мажлислар зали, меҳмонхонаси, ресторани бўлган 21 қаватли муҳташам иншоот қад кўтарди. Қурилиш ишлари Шароф Рашидовнинг доимий диққат-эътиборида бўлганини, очилиш маросимида шахсан ўзи иштирок этганини айтиб ўтмасам бўлмас.

***— Шароф Рашидовнинг диди ниҳоятда нозик бўлганлигини кўп таърифлашади. Бундан ташқари, хориж мамлакатларида нима яхши нарсани кўрса, республика ҳаётига татбиқ этишга ҳаракат қилган экан.***

— Шароф Рашидов кўнгли очиқ, самимий инсон эди. Бир сафар гаплашиб ўтирганимизда, Италия сафаридан олган таассуротлари билан ўртоқлашди. «Кўчаларнинг шундоқ бўйида бир-бирини такрорламайдиган ресторанларни кўриб, роса ҳавасим келди. Бизда ҳам шундай бўлишини ният қилдим. Шу ишга сиз бош-қош бўласиз», дедилар. Шу ерда қовун туширишимга сал қолди. «Бунинг иложи йўқ», дебман. У киши гапини уқтиришни ҳам, тинглашни ҳам биларди. Аччиқлангани йўқ, қайтага сабабини сўради. «Италияда мунтазам ёмғир бўлиб туради, чанг-ғубор йўқ, бизнинг иқлим иссиқ ва қуруқ, шамол турса, йўл ёқасидаги ошхоналар тозалигини сақлаш қийин», дедим. Мулоҳазам маъқул келди. «Бўлмаса баҳаво жойлардан қуринг», деди.

Жиззахдаги Моргузар дарасида, Қамчиқ довонида, Қашқадарёнинг Мингчинорида, Сурхондарёнинг Санжак тоғ бағридаги сўлим гўшалар у кишининг таклифлари асосида барпо этилди. Туман ва вилоят марказларидаги кўплаб замонавий бозорлар ҳам Шароф Рашидовнинг кўрсатмаси билан қурилган эди. Тошкент шаҳридаги «Болалар дунёси» номи билан машҳур бўлган савдо мажмуасини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу мажмуанинг очилиш маросимида иштирок этган Шароф Рашидов: «Энди навбат бозор қурилишига», деди-да, «Ўзбекбирлашув»га Эски Жўва мажмуасини бунёд этишни топширди. Нилий гумбазлардан иборат Чорсу бозори шу тарзда бунёд бўлди.

***— Шароф Рашидовнинг инсоний фазилатлари ҳақида кўп эшитганмиз, сизга қайси хислатлари кўпроқ манзур бўлган?***

— Халқимизда ҳар томонлама омади келган инсон ҳақида гап кетганда, «Худо қўшқўллаб берган» деган сифатлаш ишлатилади. Шароф Рашидов ҳам ана шундай таърифга лойиқ шахс эди. Истеъдодли ёзувчи, иқтидорли раҳбар, моҳир ташкилотчи бўлиш билан бирга каттага каттадай, кичикка кичикдай муомала қиладиган, камтар, одамохун, меҳрибон инсон бўлиб бир умр ўзбек халқининг ғам-ташвиши билан яшаб ўтди.

***— Шароф Рашидов бадиий ижод билан ҳам шуғулланарди. У кишидан бир нечта роман, қисса, достон ва шеърлар қолди...***

— Мен ўзим гувоҳ бўлган, ижодкорларга ғамхўрлиги ҳақида бир воқеани айтиб бераман. Гап шундаки, бир қариндошимни шифохонага кўргани борсам, у Эркин Воҳидов деган, энди танилиб келаётган шоир йигит билан ҳамхона экан. Танишдик. Эркинжон паришонхотир кўринди. Сабабини сўрасам, «Ўзбегим» қасидаси учун бошида қора булутлар айланиб турган экан. Икки кундан сўнг Шароф Рашидов бир муҳим масалада мени ҳузурига чақириб қолди. Бордим, асосий масала ҳал бўлгандан сўнг, гапни ёш шоирлар ижодига буриб, Эркин Воҳидовга кўрсатилаётган тазйиқ ҳақида айтиб, ёрдам беришни сўрадим. У кишининг ким билан гаплашгани, нима қилгани менга қоронғу, аммо Эркин Воҳидов турли-туман маломатлардан қутулиб, бемалол ижод қилиш имконига эга бўлди. Шеъриятимизнинг юлдузларидан бирига айланди.

***— Халқимизда «Яхшининг яхшилигини айт, юзида нури тошсин,» деган бир ҳикмат бор. Шароф Рашидов ана шундай яхшилардан бири. Ҳаёти ва фаолиятининг қайси тарафига назар солсангиз, ярқ этиб нурли жилолари кўринади. Демак, улуғ сиймонинг номи халқимиз тарихида ҳам нурли саҳифалардан бири бўлиб қолади. Суҳбатингиз учун газетхонлар номидан чуқур миннатдорлик билдирамиз.***

**Суҳбатдош: Аброр ҒУЛОМ**

> — Халқимизда ҳар томонлама омади келган инсон ҳақида гап кетганда, «Худо қўшқўллаб берган» деган сифатлаш ишлатилади. Шароф Рашидов ҳам ана шундай таърифга лойиқ шахс эди. Истеъдодли ёзувчи, иқтидорли раҳбар, моҳир ташкилотчи бўлиш билан бирга каттага каттадай, кичикка кичикдай муомала қиладиган, камтар, одамохун, меҳрибон инсон бўлиб, бир умр ўзбек халқининг ғам-ташвиши билан яшаб ўтди.

---

«Жиззах» махсус индустриал зонасида

«Жиззах» махсус индустриал зонасида Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ янги, замонавий автомобиль заводини барпо этишга киришилди. Корхонада йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Peugeot» ва «Citroen» енгил тижорат автомашиналари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

# АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

### ушбу корхонанинг барпо этилиши 600 дан зиёд иш ўрни яратиш имконини беради

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва Франциянинг етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи «Пежо Ситроен» гуруҳи ҳамкорлигида қуриладиган қўшма корхона учун махсус иқтисодий зона ҳудудидан 45 гектар ер майдони ажратилди.

— Корхонани барпо этишда мамлакатингиз Президентининг шахсан қўллаб-қувватлаши ҳамда ўзбекистонлик шерикларимиз билан самарали келишувлар ҳал қилувчи омил бўлмоқда, — дейди «Пежо Ситроен» гуруҳи вице-президенти Кристоф Бержеран. — Ушбу лойиҳа бизнинг стратегик режаларимизга мос бўлиб, енгил тижорат автомобиллари бизнесини ривожлантириш ва ҳудудни иқтисодий юксалтириш учун катта имконият яратади.

2019 йилдан эътиборан корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлайди. У йилига 16000 дона замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулот ички бозордан ташқари хорижий давлатларга ҳам экпорт қилинади. Лойиҳани амалга оширишга 130 миллион евролик инвестиция жалб этилаётир. Корхона ишга тушгач, 600 нафардан зиёд жиззахлик ёш иш билан банд бўлади.

— Ҳозирга қадар махсус иқтисодий зонада умумий қиймати 91,3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 19, шу жумладан хорижий инвеститциялар иштирокида 15 лойиҳа амалга оширилди, — дейди **вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Алижон Абдуллаев.** — Натижада 1324 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда умумий қиймати 203,9 миллион долларга тенг 11 лойиҳа устида иш олиб борилаяпти.

«Жиззах» махсус индустириал зонасида барпо этилаётган янги, замонавий корхоналар вилоят иқтисодиётининг ўсишига, аҳоли бандлигини таъминлашга, одамлар турмуш даражасини оширишга хизмат қилаётгани жиззахликларни мамнун этмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

**Навоий вилоятида уй-жойга муҳтож 20 оилага Президентимиз томонидан янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлардан олиш имконини берадиган махсус сертификатлар ва 44 нафар хотин қизга тикув машиналари топширилди.**

# ЭҲТИЁЖМАНД ИНСОНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Моҳигул Аҳмедова Зарафшон шаҳрида истиқомат қилади. Онаси вафот этгач, отаси бошқа оила қурди. Моҳигул баъзан тоғаси, гоҳида холалариникида яшаб юрди. Доимий уй-жойи бўлмагани сабабли Моҳигулнинг яшаш шароити шаҳар ҳокимлиги томонидан ўрганилиб, унга қурилаётган уйлардан бирини ажратишга қарор қилинди.

Томди туманида туғилган Гулбану Калмаханбетова 2-гуруҳ ногирони. Унинг 3 нафар фарзанди бор. 14 йилдан буён ижарада яшаб келади. Уй-жойи бўлмагани сабабли унга ҳам имтиёзли уй олиш ҳуқуқини берувчи сертификат тақдим этилди.

Азиз Қаюмов эса Навоий шаҳрида яшайди. «Навоийазот» АЖда ишлаётган вақтида техник носозлик туфайли келиб чиққан бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлиб қолди. Корхона мутасаддилари унинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. У бир неча йилдан буён умумий ётоқхонада яшаб келаётгани боис шаҳар ҳокимлиги ҳамда корхона раҳбарияти қарорига кўра сертификат берилиб, бошланғич тўлов «Навоийазот» корхонаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган бўлди.

Навбаҳор туманидаги «Янгиобод» маҳалласида яшовчи Мадина Расулова 19 ёшда. У ҳамкишлоғи Ҳафиза опадан чеварликнинг сир-асрорларини ўрганди. Тадбирда Мадинага тикув машинаси тақдим этилди.

Шу куни вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож 44 оиланинг яшаш шароитларини яхшилаш, уларни касаначиликка жалб қилиш мақсадида тикув машиналари берилди. Мазкур оилаларда яшаётган меҳнатга лаёқатли хотин-қизлар «Ўзпахтасаноат» компаниясининг Навоий вилоятидаги филиалига тайёр маҳсулот етказиб бериш бўйича меҳнат шартномаларини имзоладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Турсунхон Худойберганов ва Навоий вилояти ҳокими Қобил Турсунов иштирок этди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

# ШАҲРИХОНДАГИ «АСР ШОДЛИГИ»

### хусусий корхонаси ўз маҳсулотларини экспорт қилишга киришди




Мазкур корхонада замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган сифатли кир ювиш кукуни Фарғона водийсида харидоргирлиги билан машҳур эди.

Яқинда ушбу маҳсулот экспорт қилина бошланди. Тожикистон Республикасидаги «Алмаз-777» корхонасига 38 тонна кир ювиш кукуни жўнатилди.

— Қўшни мамлакатнинг тадбиркорлари билан 120 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб бериш учун шартнома имзолаганмиз, — дейди **хусусий корхона раҳбари Хуршидбек Абдураҳмонов.** — Бошқа мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш учун ҳаракат қилаяпмиз.

«Аср шодлиги» Шаҳрихондаги чет элга маҳсулот чиқараётган корхоналарнинг ўнинчисидир.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Жаҳон бозори сари

# СУРХОННИНГ САРХИЛ МАҲСУЛОТЛАРИ

### дунёнинг ўнга яқин мамлакатига экспорт қилинмоқда

Сурхон воҳасининг табиати бир йилда уч мартагача ҳосил олиш имконини беради. Сўнгги йилларда миришкорлар хурмо, лимон, апельсин, мандарин, папая, ананас, банан каби ноёб субтропик маҳсулотларни етиштиришдан ҳам яхшигина даромад олишмоқда.

Бу йил эса ширин-шакар мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида 36 минг 860 тоннадан ортиқ ёки умумий қиймати 20,5 миллион долларни ташкил қиладиган маҳсулотлар Россия, Афғонистон, Қозоғистон, Покистон, Ҳиндистон, Тожикистон, Туркманистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Беларусь, Украина ва бошқа мамлакатларга жўнатилди.

— Вилоятимизда йилнинг 220-280 куни илиқ ва иссиқ бўлади, — дейди **ЎзХДП Термиз туман кенгаши раиси Тўрабек Зоиров.** — Етиштирилаётган ноз-неъматлар қуёш ҳароратига обдон тўйинади. Шу боисдан ҳам Олтинсойнинг тилларанг узуми, Қизириқнинг ширин-шакар қовун-тарвузи, Шеробод анорлари-ю Термизнинг эртапишар ўриги хорижликларнинг эътиборини қозонмоқда. Келажакда воҳа маҳсулотларини Европа давлатларига жўнатиш борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 838
9236 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:05
Topshirilgan vaqti — 01:25
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5 6